

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРГОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ

**“Бино ва иншоотлар қурилиши, геодезия, картография ва кадастр”**  
КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

“БИҚГКК” кафедраси мудири

доц. С.Турсунов  
“ ” 2018 йил

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ  
ҲИСОБЛАШ-ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

**Битирув малакавий ишининг мавзуси: Карталарни тузиш ишларида ЭХМни  
кўллашнинг ахамияти.(Кўштепа тумани Солижонобод массиви мисолида)**

**Битирув-малакавий иши таркиби:**

Ҳисоблаш-тушунтириш хати: \_\_\_\_\_ бет. Чизма-график қисми: \_\_\_\_\_ варокда тайёрланган.

Битирувчи:

16-14 ГКК гурух

талабаси Азизов.В

Рахбар:

Г.Мирзакаримова

Тақризчи:

Битирув-малакавий иши 201\_йил \_\_\_\_ июн куни дастлабки ҳимоядан ўтган.  
“БИҚГКК” кафедрасининг 201\_йил \_\_\_\_ июн кунги (№ \_\_\_\_ сонли маъжлис баёни)  
йигилиши қарорига асосан ҳимояга рұхсат берилган.

**Маслаҳатчилар:**

Назарий қисм бўйича:

\_\_\_\_\_

Табиий, ижтимоий -иқтисодий шароитлар  
таҳдили бўйича:

\_\_\_\_\_

Лойиҳани тузиш хамда уни иқтисодий ва  
экологик асослаш, қисми бўйича:

\_\_\_\_\_

Хорижий инвестиция қисми бўйича

\_\_\_\_\_

Ҳаётий фаолият ҳавфизлиги қисми бўйича:

\_\_\_\_\_

Фарғона – 2018

**ФАРГОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ  
ҚУРИЛИШ ФАКУЛЕТИ**

**“Бино ва ишоотлар қурилиши, геодезия, картография ва кадастр”**

**K A F E D R A C I**

**ТАСДИҚЛАЙМАН  
«БИҚГКК» кафедраси мудири**

**доц. С.Турсунов  
“ ” 2018йил**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА  
ТОПШИРИК**

**15-14 Геодезия картография ва кадастр гурӯҳ талабаси: Азизов Валишер Миргиёс ўғли**

**1. Битирув ишининг мавзуси: Карталарни тузиш ишларида ЭҲМни кўллашнинг ахамияти.(Қўштепа тумани Солижонобод массиви мисолида)**

Битирув малакавий иши (БМИ) мавзуси институт ректорининг “21” декабр 2017 йил даги №185 СТ/С сонли бўйруғи билан тасдиқланган.

2. Тайёрланган БМИ ни топшириш муддати “ ” июнь 201\_\_ йил

3. Битирув малакавий ишни бажариш учун дастлабки кўрсаткич ва маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2017 йил кунги ПҚ-3024 сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада таомиллаштириши чора-тадбирлари тўгрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бинолар ва ишоотлар давлат кадастрини юритиши тартиби тўгрисидаги 1997 йил 2 июнданги 278-сон қарори ва низом умумий қоидалар.

4.1. Кириш:

4.2. Назарий қисм.

4.3. Табиий, ижтимоий -иқтисодий шароитлар таҳлили.

4.4. Лойиҳани тузиш хамда уни иқтисодий ва экологик асослаш қисми

4.5. Хорижий инвестиция қисми

4.6. Ҳаётий фаолият ҳавфсизлиги қисми

4.7. Хуроса.

4.8. Фойдаланган адабиётлар.

5. Чизма-график материалларнинг рўйхати (*Чизма номлари аниқ кўрсатилиши шарт*):

5.1. Қўштепа туманининг худудларга бўлиниш картаси, масштаб 1:50000

5.2. “Солижонобод” массивини ЭҲМда тайёланган лойиха картаси, масштаб 1:10000

5.3. “Солижонобод” массивини ЭҲМда тайёланган алмашлаб экиш картаси, масштаб 1:10000

5.4. “Солижонобод” массивини ЭҲМда тайёланган тупроқ картаси, масштаб 1:10000

6. Битируг малакавий иши қисмлари бўйича маслаҳатчилардан топшириқ олиш:

T/p	Қисмлар номи	Бошланиш муддати	Тугалланиш муддати	Имзо	Маслаҳатчи (Ф.И.Ш)
1	Кириш қисм	23.01.18. й.	13.02.18. й.		
2	Назарий қисм	16.02.18. й	12.03.18. й.		
3	Табиий, ижтимоий - иқтисодий шароитлар таҳдили	15.03.18. й.	22.04.18. й.		
4	Лойиҳани тузиш хамда уни иқтисодий ва экологик асослаш, хорижий инвестиция қисми	18.04.18. й	6.05.18. й.		
5	Хаётий фаолият ҳавфсизлиги қисми	21.04.18.й.	28.05.18.й.		
6	Хулоса	11.05.18. й.	31.05.18. й.		
7	Фойдаланилган адабиётлар рўйихати	30.05.18. й.	1.06.18. й.		
8	Иловалар	1.06.18. й.	3.06.18. й.		

7. Топшириқ берилган сана: “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил

8. Раҳбар: \_\_\_\_\_ Г.Мирзакаримова “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил  
 (имзо) (Ф.И.Ш)

9. Топширикни бажариш учун қабул қилдим: \_\_\_\_\_ Азизов.В “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил  
 (имзо)

ТАСДИҚЛАЙМАН  
«БИҦГКК» кафедраси мудири

доц. С.Турсунов

“ ” 2018 йил

**Бити्रув малакавий ишини бажариш бўйича  
ТАҚВИМ РЕЖА**

Т/ р	Бити्रув малакавий ишини бажарилиш тартиби	Бажарилиш муддати		Изоҳ
		режада	амалда	
<b>Хисоблаш – тушунтириш хатини тайёrlаш</b>				
1	Кириш қисм	23.01.18. й.		
2	Назарий қисм	16.02.18. й		
3	Табиий, ижтимоий -иқтисодий шароитлар таҳдили	15.03.18. й.		
4	Лойиҳани тузиш хамда уни иқтисодий ва экологик асослаш, қисми Хорижий инвестиция қисми	18.04.18. й		
5	Мехнат ва атроф мухитни муҳофаза қилиш қисми	21.04.18.й.		
6	Хулоса	11.05.18. й.		
7	Фойдаланилган адабиётлар рўйихати	30.05.18. й.		
8	Иловалар	1.06.18. й.		
<b>Чизма-график материаллари рўйхати</b>				
1 1	Кўштепа туманинг худудларга бўлиниш картаси, масштаб 1:50000	08.05-25.05		
1 2	“Солижонобод” массивини ЭҲМда тайёланган лойиха картаси, масштаб 1:10000	12.05-25.05		
1 3	“Солижонобод” массивини ЭҲМда тайёланган алмашлаб экиш картаси, масштаб 1:10000	15.05-25.05		
1 4	“Солижонобод” массивини ЭҲМда тайёланган тупроқ картаси, масштаб 1:10000	28.05-02.06		
<b>БМИ ни расмийлаштириш</b>				
1 5	Тегишли хужжатларни тайёрлаш ва БМИ ни муқовалаш.			
1 6	Дастлабки ҳимоя			
1 8	Расмий ҳимоя			

Талаба:

(имзоси)

Азизов.В

Раҳбар:

(имзоси)

Мирзакаримова.Г

## **М У НДАРИЖА**

<b>1</b>	<b>Кириш</b>	
<b>2</b>	<b>Назарий қисм</b>	
<b>3</b>	<b>Табиий, ижтимоий- иқтисодий шароитлар таҳлили</b>	
<b>4</b>	<b>Лойихани тузиш ҳамда уни иқтисодий ва экологик асослаш.</b>	
<b>5</b>	<b>Хорижий инвестиция қисми</b>	
<b>6</b>	<b>Ҳаётий фаолият ҳавфсизлиги</b>	
<b>7</b>	<b>Хулоса.</b>	
<b>8</b>	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйихати</b>	
<b>9</b>	<b>Иловалар.</b>	

## КИРИШ

Мустақиллик йилларида геодезия ва картография соҳасида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди. Оғир қўл меҳнати ўрнини рақамли технологиялар эгаллади. 2013 йил 25 сентябрда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Миллий географик ахборот тизимини яратиш” инвеститция лойихасини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2045 сонли қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ушбу қарорнинг 3-бандига мувофиқ, лойихани ижро этувчи, уни амалга ошириш, заёмлар маблағларидан самарали фойдаланиш учун маъсул орган Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслар, геодезия, картография ва давлат кадастри этиб тайинлади.

Бугунги кунда қўмита бўлимлари АҚШ, Швецария, Япония ва Хитойнинг энг янги абоб ускуналари, жумладан, GPS -приёмниклар, электрон тахеометрлар ва рақамли нивелирлар билан жихозланмоқда. Эндиликда аэрофотосурат олиш Австрияning “Vexcel” imaging фирмасининг “ULTRA CAMX” аэофотокамералари билан амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида аниқлиги юқори бўлган рақамли топографик карта ва планлар яратилмоқда.

Шунингдек, 2013-2017 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Миллий географик ахборот тизимини ташкил этишини режалаштириш соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътиборги ёрқин мисоли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрель ПҚ-2909 қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта қўриб чиқиши, халқаро стандартлар даражасида олий малақали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

2017 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси президентининг “Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада тақомиллаштириш чоратадбирлари” тўғрисида ПҚ- 3024 қарори билан соҳага бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги 03/1-1242-сон топшириғи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов томонидан 2017 йил 2 июнда тасдикланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича "Геодезия, картография ва кадастр (функциялари бўйича) ва Ер тузиш ва ер кадастри" таълим йўналишлари ҳамда мазкур таълим йўналишлари негизидаги маЭХМтратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнида ишлаб чиқариш билан интеграцияни янада кучайтириш мақсадида белгиланган вазифалар ҳозирги қунда соҳага бўлган эҳтиёж ва улар олдига қўйиладиган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк обьектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан.

Хозирги замон ЭХМ асослари ва уларнинг базасида яратиладиган хартурли имкониятлар фақат кучли техник воситалари ёрдамида яратиш ва ундан фойдаланиш мумкин. ЭХМ техник воситалари катта хажмдаги ахборотларни узида сақлай олиши, картографик ва бошқа шунга ухшашиб маълумотларни экранга (мониторга) оқ қоғозга сифатли чиқариш, хар турли манбаълардан берилган маълумотларни (ахборотларни) киритиш, тез излашни ишлаб чиқариш, маълумотларни тартибга солиш ва тахлил қилиш керак.

Хозирги қунда барча эҳтибор таълим тизимидағи қонун ва коидаларни янада тақомиллаштиришга қаратилмокда. Таълим тизимини давр талаблари даражасига кўтариш, юкори технологиялар ва уқитишнинг замонавий усулларини кучайтириш, Ўзбекистон ёшларини маънавий салоҳиятини оширишга қаратилди.

Шу мақсадда 1992 йилда “Таълим тўғрисидаги” қонун қабул қилинди. Ёшларни касб-хунарга ургатиш уларни келажакда мулоҳазали, жиддий, махнавиятли, касбий маданият сохиби бўлган етук мутахассислар қилиб тарбиялашни назарда тутган холда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмокда. Бунинг натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат)ларни фермер хўжаликлариға айлантириш жараён амалда нихоясига етди. Фермер хўжаликлари, ўз мохиятига кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чикаришнинг асосий шаклига, сохани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди. Энг муҳими, қишлоқда хакикий мулкдор - ер эгаси пайдо булди.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилда қабул қилинган «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 17 июлдаги 255-сонли «Ўзбекистон Республикасида Давлат кадастрларининг ягона тизимини яратиш бўйича Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ва бошқа катор қонун хамда меъёрий хужжатларга биноан мамлакатимизда ер, сув, ўрмон ва автомобиль йўллари кадастрларини юритишига бўлган муносабат хар томонлама ўзгарди. Давлат ер, сув, ўрмон ва автомобиль йўллари давлат кадастрлари Давлат кадастрларининг ягона тизими таркибига киритилди, уларда бажариладиган ишлар хажми кенгайтирилди, ахамияти оширилди. Шунинг учун хам ер, сув, ўрмон ва автомобиль йўллари давлат кадастрлари, уларнинг мазмуни ва мохияти, таркибий қисмлари, юритиши тамойиллари тўғрисида кискача -тўхталиб ўтиш жоиздир.

Республикамиз иктисодиётини бозор муносабатларига ўтиши ўз навбатида ер кадастри маълумотларига бўлган талабни кескин ошириб юборди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чикаришини янада жадалалшириш ва ривожлантириш бўйича хукуматимиз олиб бораётган изчил аграр сиёsatни амалга оширишда хам ер кадастри маълумотлари катта амалий ахамиятга эгадир. Жумладан, «Ер

кодекси», «Солик кодекси», «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехкон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа катор меъёрий хужжатларни амалиётга тадбик қилиш, қишлоқ хўжалагида аграр ислоҳатларни амалга ошириш билан бўлган барча масаладарнн хал қилиш ер кадастри маълумотларига таянади. Маълумки, республикамиз вилоятлари, туманлари ўзларининг жойлашуви бўйича турли минтакаларга, иклим, рельеф ва тупроқ шароитларига эгадар. Бундай холда ушбу вилоятлар, туманлар бўйича қишлоқ хўжалиги тармокларини тўғри, илмий

ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди. Энг мухими, қишлоқда хакикий мулқдор - ер эгаси пайдо булди.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилда қабул қилинган «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 17 июлдаги 255-сонли «Ўзбекистон Республикасида Давлат кадастрларининг ягона тизимини яратиш бўйича Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ва бошқа катор қонун хамда меъёрий хужжатларга биноан мамлакатимизда ер, сув, ўрмон ва автомобил йўллари кадастрларини юритишга бўлган муносабат хар томонлама ўзгарди. Давлат ер, сув, ўрмон ва автомобил йўллари давлат кадастрлари Давлат кадастрларининг ягона тизими таркибиға киритилди, уларда бажариладиган ишлар хажми кенгайтирилди, ахамияти оширилди. Шунинг учун хам ер, сув, ўрмон ва автомобил йўллари давлат кадастрлари, уларнинг мазмуни ва мохияти, таркибий қисмлари, юритиш тамойиллари тўғрисида кискача -тўхталиб ўтиш жоиздир.

Республикамиз иктисодиётини бозор муносабатларига ўтиши ўз навбатида ер кадастри маълумотларига бўлган талабни кескин ошириб юборди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чикишини янада жадалалштириш ва ривожлантириш бўйича хукуматимиз олиб бораётган изчил аграр сиёсатни амалга оширишда хам ер кадастри маълумотлари катта амалий ахамиятга эгадир. Жумладан, «Ер кодекси», «Солик кодекси», «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехкон хўжалиги тўғрисида»ги

қонунлар ва бошқа катор меъёрий хужжатларни амалиётга тадбик қилиш, қишлоқ хўжалагида аграр ислоҳатларни амалга ошириш билан бўлган барча масаладарнн хал қилиш ер кадастри маълумотларига таянади. Маълумки, республикамиз вилоятлари, туманлари ўзларининг жойлашуви бўйича турли минтакаларга, икlim, рельеф ва тупроқ шароитларига эгадар. Бундай холда ушбу вилоятлар, туманлар бўйича қишлоқ хўжалиги тармокларини тўғри, илмий асосланган холда белгилаш, асосий экинлар хосилдорликларни истакболга тўғри режалаштириш хамда шу асосда қишлоқ хўжалигини янада ривожлаштириш сўзсиз ер маълумотаарига асосланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади Карталарни тузиш ишларида ЭХМни кўллашнинг ахамияти. (Кўштепа тумани Солижонобод массиви мисолида) карта ва планларни тузишдир. Шунингдек, хозирги замон кадастрнинг назарий концепцияларини, уни ўрганиш методларини билиш; карта ва атласларни турлари ва типларини, хамда яратишда ишлатилаётган картографик проекциялар ва уларни хусусиятлари билан таништириш; картографик усулларни мавзули карталар тузишда ва рельефни тасвирлашда фойдаланиш ва бошқалар.

Бизга маълукий карталар авваллари барчаси қўлда маҳсус бўйоқлар ёрамида картани мавзусига караб тузилар эди. Бунда ҳар бир картани тузиш учун бирнеча кун сарифланар эди. Хозирги кунда замонавий карташунослик ривожлани бормоқда карталарни тузиш ва лойихалашда ЭХМ ларни роли ва ахамияти жуда катта хисобланади. Маълумки республикамизда хозирги кунда ер ресурсларидан окилона фойдаланиш борасида карталарни аниқлиги ва сифатли бўлиш жуда зарур хисобланади. Бундай аниқликдаги карталарни тузишда ЭХМлар тузилган карталар хозирги кундаги замонавий карталар хисобланади.

## НАЗАРИЙ ҚИСМ

Карталарни тузиш учун ЭХМ ларни параметрлар каша ахамиятга эга, ҳар хил турдаги дастурлар билан ишлаганда ишчига қулай бўлиши лозим. ЭХМ пакетлари қурилмаларнинг оператив хотира хажмига боғлиқ. Булар 4 мегобатдан 60 мегобайтгача бўлиши мумкин. Масалан, SGA видео хотираси 1 мегобайтдан юқори. Бу энг кам I-380 процессирида ишлайди. Ишлаб чиқилган ЭХМ дастурларини 96% ни АҚШнинг ESRI компаниясида ишлаб чиқарилади.

Компьютер конфигурацияси қуйидагилардан иборат:

1. Процессор пентюм, тактик частота 200-800 мегогерц;
2. Тезкор хотира 32-128 мегобайт;
3. қаттиқ диск хажми 2-10 гегобайт;
4. Монитор (экран) SVGA 17-21" дюм, видео хотираси 1-2 мегобайт.

Бу қурилмалар асосан DEG, SUN, HEWLETT, PACCARD, SILICON фирмаларида ишлаб чиқарилади.

3. Ташиб маълумотларни киритиш қурилмалари асосан икки қисмга бўлинади:

- 1) ахборотларни қулда киритиш;
- 2) ахборотларни автоматик ёки ярим автоматик шаклда киритиш.

1) Матн ахборотларини клавиатура ёки сканер ёрдамида картографик материаллархар турли дигитайзерлар ёрдамида киритилади. Дигитайзер улчамлари 12x12, 32x62 ёки A0 форматда ва аниқлик даражаси 0,05 мм.

2) Автоматик ёки ярим автоматик ахборотлар сканерлар ёрдамида киритилади. Сканерлар уқиши қобилиятига кура асосан 1" 300 нуктадан 9600 нуктагача булади. Сканерлар ахборотларни график растр шаклидаги файллар орқали компьютер хотирасида сақлайди.

ЭХМ дастуридаги қайта ишланган маълумотларни экранга ёки қоғозга чиқариш мумкин.

Принтерлар асосан 3 турга бўлинади:

1. Матричний
2. Струйний (рангли)

### 3. Лазерний.

1. Матричний принтерлар берилган маълумотларни ёки шаклни қоғозга игна ёрдамида чиқаради. Булар техник хусусиятларига кура 8×8, 8×24, 24×24, 48×24 нуқтали принтерларга бўлинади. Бу турдаги принтерлар унча катта маблағ талаб қилмайди.

2. Струйний принтерлар берилган маълумотларни ёки шаклни қоғозга рангни пуркаш орқали чиқаради. Бу принтерлар техник хусусиятларига кура 1" дан 300 нуқтадан 2400 нуқтагача булади ва қоғоз улчамига кура А4-А0 фарматгача булади. Уларни ранг турлари 1,6 миллионгача булади.

3. Лазерний принтерлар берилган маълумотларни ёки шаклларни кукун (порошок) шаклидаги тонерлар ёрдамида қоғозга чиқаради. Бу техник хусуситияга кура 1" 2400 нуқтагача булади. Бу принтерлар асосан юқори сифатли маҳсулотларни олишда ишлатилади.

Барча ЭХМларда маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш, хотирада сақлаш, янгилаш, тахлил қилиш ва маълумотларни компьютер ёки етарли даражада тасвир хусусиятини қайта ишлай оладиган маҳсус дастурли техник воситалар орқали ушбу жараёнларни бажариш усуллари эътиборга олинган. Демак, ЭХМ — турли усуллар билан тўпланган табиий тармоқлар ҳақидаги кенг мазмунли маълумотлар базасига таянган мукаммал ривожланган тизим ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда фойдаланиш соҳаларининг кенглиги жихатидан ЭХМнинг тенги йўқ — у навигация, транспорт, қурилиш, геология, география, ҳарбий ишлар, иқтисодиёт, экология, мавзули картография ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Бугунги кунда илмий тадқиқотлар ва амалий фаолиятда кўплаб ЭХМлар ишлатилиб, улар орасида шахсий ЭХМлар кенг тарқалган. Жумладан уларга GeoDraw GeoGraph, (География институти, Россия), AtlasGis ва WinGis (АҚШ), ArcInfo, ArcGis (АҚШ) ва бошқа дастурларни келтириш мумкин.

Умуман олганда карталар яратишнинг ЭХМ-технологиясини қўйидагича тасаввур қиласа бўлади:

1. Тайёргарлик ишлари. Электрон тахеометрлар ва GPS асбобларидан; тасвирларни қайта ишиштап воситаларидан; изланишлар рақамли маълумотларидан; авторлик оригиналлардан; мавжуд фонд карталари ва х.к. дастлабки материалларни тўплаш. Картографик ва фонд материалларини сканирлаб, растрли тасвирларни бир хил масштабга келтириш, сўнгра уларни компьютер хотирасига жойлаш.

2. Яратилаётган картанинг мавзули қатламларини ва уларга тегишли жадвалларни тузиш, уларни тахлил қилиш. Маълумотлар базасини тузиш.

3. Объектлар таснифи мавжуд жадвал (атрибутлар) ва матн маълумотларни ЭХМ хотирасига киритиш.

4. Шартли белгилар тизимини ишлаб чиқиш.

5. Картанинг мавзули қатламларини жойлаштириш, картографик тасвирни ҳосил қилиш ва уларни тахрир қилиш.

6. Картанинг компоновкасини ишлаб чиқиш ва уни нашрга тайёрлаш.

7. Картани нашр қилиш.

**Матрицали маълумотлар** – бу тугри чизикили сетка шаклидаги маълумотлар массиви, бунда хар бир занжир, ёки катакча маълум бир белгиланиш (рельеф баландлиги, тупрокнинг сифат хусусиятлари, экин хосилдорлиги, кимёвий чикиндилар билан ифлосланиш даражаси) Матрицали карталарда объектлар булмайди, аммо карта координатага бодлик ва шунинг учун картанинг исталган нуктасини таснифини аниклашга имкон яратади.

**Растрли карталар** - бу когоздаги ёки бошқа бирор картографик маълумотларни сканерлаш оркали керакли координата тизимиға бояланган картадир. Растрли карталарда объектлар мавжуд эмас. Бу когоздаги картанинг оддий график чизмаси бўлиб, майдонлар, координаталар ва масофаларни улчаш учун кул келади.

**Векторли карталар** – растрли карталарни векторизация (ракамлаштириш) оркали ёки худудда улчаш натижалари асосида олинган пикетларга ишлов бериш оркали топилган алохида объектлардан иборат. Бундан ташкари, векторизация учун асос сифатида аэросуратларни ракамли тасвирлари хизмат қилиш мумкин.

Векторли карталар икки турда бўлиши мумкин:

- 1) берилган масштабдаги топографик режа чегараси доирасида яратилган карталар;
- 2) чегараловчи доирага эга булмаган карталар;

Биринчи турдаги карталарни МАР деб, инглиз тилидаги МАР – карта сузидан, иккинчи турдаги карталарни эса фойдаланувчи ёки ситуациян SIT, инглиз тилидаги Situation-шароит сузидан, карталари деб атаемиз.

МАР шаклидаги карталар алохида вараклардан иборат. Алохида вараклар мозаикакаси (буялиши) ишчи худуд деб аталади. Умуман олганда ушбу мозайка катталиги, юзаси чекланмаган. Бир ишчи худуд карта вараклари ягона масштаб, проекция ва координат тизимида бўлиши шарт.




Растрли шакл - бу графикли маълумотларнинг (карта, сурат) матрицали

сонлар билан ифодаланган куриниши. Бунда тасвирнинг хар бир элементи код булиб, у ушбу тасвир рангининг ёркинлиги билан ифодаланган куриниши хисобланади.

Векторли шакл - бу объектлар жойлашиши, ташки чегараси, объектга тегишли булган нукталарнинг координаталари йигиндиси билан ифодаланган куринишидир.

Бу икки шакл узларининг афзаллик ва камчилик томонларига эга, шунга карамасдан улар бир-бирини доимо тулдириб боради.



Маълумотларни шакллари а) бут; б) ракамли; в) пикселли

ГИСларининг фактат векторли ёки фактат растрли шакллари билан ишлайдиган турлари мавжуд, бундай вактда маълумотлар базаси шаклларнинг фактат биттаси билан тузилади.

Энди компьютер хотирасида маълумотлар кандай тасвирланишини куриб чикамиз, масалан, бут шаклини. Маълумки компьютерда иккиланган хисоб тизими ишлатилади. Компьютерда барча шакллар тури бурчакли шаклда булади, шу сабабли бутни 9 та teng булакга булиш мумкин, хар бир кисм ок ёки кора рангда булади. Кора рангни 1, окни эса 0 билан белгилаймиз. Унда матрицани куйидагича ёзиш мумкин.

010  
111  
010

Бу расмнинг компьютерли коди хисобланади. Лекин бу кодда расмни хар

бир булагининг улчами аник эмас, шу сабабли расм булагини элементар квадратларга булиб чикамиз. Энди булаклар куп, код эса узун булади, унинг учун компьютер хотирасидан 4 та бит ишлатилади.

000011110000 Бундай кодни хохлаган компьютер укийди, код

000011110000 буйича рангни танлаб, расмни улчами буйича экранда

000011110000

111111111111 тасвирлайди. Бундай усулда код оркали расмни

111111111111 тасвирлаш растрли тасвирлаш ёки растр дейилади.

Тасвирнинг булаклари “пиксел” (тасвир элементи) дейилади, уларни купинча жуда кичик булгани учун нукта хам дейиш мумкин.

Агар битта шаклли ок-кора расм учун бир бит юза етарли булса, рангли расм учун бу жой анча камлик килади, улар учун компьютердан катта кажмдаги хотира талаб этилади. Рангли шакллар учун ранглар чукурлиги тушунчалик ишлатилиши керак.

Энди шаклнинг улчамини аниклаш буйича. Амалиётда шаклнинг улчамини (буи ва энини) ва тиниклик даражасини ифодаловчи тушунчалар ишлатилади. Улчам метрда, мм да, дюймда берилиши мумкин, лекин компьютер буни пикселларда деб тушунади. Тиниклик даражаси - тасвирни косил килувчи пикселларнинг маълум бир узунлигидаги жойлашиш зичлигидир. Купгина колларда тиниклик даражаси бир дюймда жойлашган нукталар сони dpi (Dots Per Inch) билан улчанади. Агар расмнинг тиниклик даражаси 72 dpi булса, унда бир дюймда 72 та пиксел жойлашган дейилади. Бугунги қунда 72 та пикселдан то 300 ва ундан куп dpi тиниклик даражаси ишлатилади. Dpi канчалик куп булса, расм шунчалик тиник экранда тасвирланади.

Тасвирни табий колатда куриш учун замонавий принтерлар ва плоттерлар 2000 dpi тиникликда нашр килади. Бундай катта тиниклик расмни A4 форматли котозда нашр килиш учун компьютердан 765 Мб хотира талаб килинади. Албатта, катта тиникликка эга расмнинг укилиши яхши, анча тушунарли булади-ю, лекин у компьютерда катта хотира булишини талаб

килади ва уни ишлашда бундан ташкари компьютердан катта тезлиқда хотирадан маълумотларни мониторга чикиб келиши кам керак булади. Барча аэро- ва космик суратлар, Internet расмлари растрли куринишдадир. Компьютерда растрли тасвирлар билан ишлайдиган куплаб дастурлар мавжуд.

Растрли тасвирнинг битта жуда муким хусусияти борлигини айтиш лозимки, у кам булса тасвир улчамини узгартириш мумкин эмас. Тасвир кичрайтирилса нукталар бир-бирига кушилиб кетади, майда элементлари йуколади ва кк. Катталашибди натижасида эса кар бир нукта улчами катталашади, натижада “потонали контурлар” куриниб колади, тасвирпарчаланиб кетади. Бундан ташкари, растрли тасвир хотирадан катта жойни эгаллайди. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун тасвирни векторли куринишга. утказиш керак.

Агар тасвирни узок вакт саклаш зарур булса JPEG (ингл. - Joint Picture Explort Group) форматидан фойдаланилади. Бу форматда тасвирнинг сифати анча паст ифодалансада, аммо хозирча jpg форматидан замонавий компьютерларда тасвирни кайта ишлашда кенг кулланилмоқда.

Юкорида номлари келтирилган форматларни турли вактларда ишлатиш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, агар кучли маҳсус дастурлардан компьютерлаш ишида фойдаланиладиган булинса, натижа факат шу дастурнинг ички форматларида сакланганлиги маъкул. Векторли форматларга мисол тарикасида DXE, DMG, DX90, PIC, DGN ларни келтириш мумкин

Хозир кунда кенг тарқалган ЭХМ дастурларининг универсал тизими бўлган *ArcGis*, “*Panorama*”, *MapInfo* дастуридан фойдаланиб, мавзули карталарни тузишда олиб бориладиган иш жараёнини кўриб чиқамиз. *ArcGis*, “*Panorama*”, *MapInfo* дастури рус тилида тузилгани учун, услугуб қўлланмада ушбу дастурни бошқариш элементлари номларининг ўзбек тилидаги таржимаси билан бир қаторда рус тилидаги атамаларини ҳам келтиришни лозим топдик.

ЭХМлардаги *ArcGis*, “*Panorama*”, *MapInfo* дастурининг асосий хусусияти — унинг оммаболлигидадир, яъни бу тизим: график тасвирларни ўқиши (кўриши) ва

уларга қайта ишлов бериш; маълумотлар базаси билан ишлаш; маълумотлар базасида қидирув ишларини амалга ошириш, редакторлик ишларини бажариш; картографик белгиларни қуриш; диаграммаларни тузиш; картани нашрга тайёрлаш ва нашр қилиш ишларини бажариш имкониятига эга.

Дастурда маълумотларни қуриш учун 3 хил дарча мавжуд: матнли, картографик ва графикли. Монитор экранида бир йўла бир неча дарчалар намоён бўлиши мумкин. Масалан: фойдаланувчига шаҳар кўчаларини тасвирловчи планли картографик дарча ва унга хос бўлган жадваллар матни дарчаси. Экранда ҳосил қилинган дарчалар фаол ҳисобланади. Дастурнинг яна бир хусусияти — уларнинг бир-бири билан узвий, бевосита боғланганлигидадир, яъни бирор дарчада ўзгариш бўлса, бошқа дарчаларда ҳам шунга қараб ўзгариш бўлади. Агар график объект ва унга мос келадиган матнли жадвал ёзуви танланса, у картографик дарчада ҳам ёритилади ва аксинча, картографик дарча тасвири танланса — у график дарчада ҳам ёритилади.

Матнли дарча қатор ва устунларга эга бўлган жадвал кўринишдаги электрон дарчадир. Унинг ҳар бир қатори маълум ёзувни акс эттириб, ҳар бир устуни ушбу ёзув майдонини англаатади. Дастур ёзувларни қўшиш, таҳрир қилиш, йўқотиш имконини беради. Фойдаланувчи дарчадаги керакли устунларни қўриш учун танлаб олиши, ўлчамларини ўзгартириши мумкин. Картографик дарча бошқа кўпгина ЭҲМлар каби қатламли тасвирлашдан фойдаланилади. Ҳар бир қатламнинг тавсифи фойдаланувчини талабидек кўрсатилиши, таҳрир қилиниши мумкин. Ташқи картографик дарча матн дарчаси каби жиҳозланган. У бошқа дарчаларни кўрсатиш учун горизонтал ва вертикал айлантириш чизғичига эга. График дарчадан нуқтали, чизиқли, юзали ва бошқа турдаги объектлар билан ишлаш учун фойдаланилади. *ArcGis*, “*Panorama*”, *MapInfo* дастурилари ҳисботлар тузиш, графиклар ва диаграммалар қуриш, статистик маълумотлар билан карталар ишлаб чиқишининг ривожланган воситаларига эга.

Дастур мавзули карталар, шартли белгилар ва шрифтлар яратишга қодир. Маълумотлар базаси орқали объектнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичларни акс

эттирувчи шкалалар тузиш йўлларига эга. Бундан ташқари, дастур карталарнинг шартли белгиларини ҳосил қилиш, уларни тушунтирувчи ёзувлар билан таъминлаш ва энг асосийси, карталарни тахрир қилиш имкониятига эга. *ArcGis*, “*Panorama*”, *MapInfo* дастурилари ахборот-маълумотномали туркумдаги шахсий ЭХМ ҳисобланади.

ГИС да атрибут маълумотларни киритиш, сақлаш, қайта ишлаш ва чиқаришда одатда маълумотлар базасининг стандарт тармоқларидан фойдаланилади. (МБСТ)

МБСТ –тулиқ дастур ва тил манбасидан иборат бўлиб, маълумотлар базасини яратиш, юритиш ва ундан фойдаланишда ишлатилади.

Атрибут маълумотларда географик объектларнинг геометрик хусусиятлари ва топографик тавсифлари хисобга олинади (ёзилмайди). Лекин географик маълумотларнинг геометрик хусусиятларини уларни атрибутлари билан боғлиқлик бўлиши керак. Бу боғлиқликни амалга оширишда идентификатор (код) лардан фойдаланилади. Атрибут маълумотлар базаси алохида МБСТ да яратилиши мумкин ва кейинчалик яратилган географик маълумотлар базасига объектларнинг коди ёрдамида боғланади. Бу ерда оператор географик ва атрибут маълумотлар базасидан кодларни бир хилда эканлигига эътибор бериш керак.

2. Маълумотлар базаси хақида тушинча атрибут маълумотлар базасини яратишини техник кетма-кетлиги қоғоздаги хужжатларни жадвал ёки картотека куринишида компьютер хотирасига киритиш тушинилади. Компьютер хотирасида ёзилган ахборотлар кетма-кетлигини маълумотлар базаси файили деб юритилади.

Маълумотлар базаси файлида алохида жадвал куринишидаги ахборотлар сақланади. Файллар матни алохида ёзув соҳаларидан иборат бўлиб, жадвалларни устинини ва картотекадаги тулдириладиган қаторлар тушинилади. Ёзув соҳаси символ ва сон куринишида булади.

№	Номи	Манзилгоҳи

## Атрибут маълумотларни яратиш кетма-кетлиги

1. Маълумотлар базасида сақланадиган ёзувлар структурасини тавсифи келтирилади. Бунда хар бир ёзув қандай ва қанча соҳадан иборат эканлиги курсатилади.
2. Ахборотларни киритиш бу ерда аввал структура тавсифи аниқлигига эътибор берилади. Мисол учун тавсифда курсатилган соҳа узунлиги 15 та символдан иборат "Административ туман номи" эса 21 та символдан иборат. Бунда соҳа узунлиги 21 та символдан иборат деб аниқ курсатилиши керак. Бу кетма-кетликни маълумотлар базасида структурани янгилаш дейилади.
3. Ахборотларни тузатиш киритилган ахборотларга тузатмалар ва узгартиришлар киритилади. Бу кетма-кетликка ахборотларни тузатиш дейилади.
4. Маълумотлар базасини юритиш қўйидаги амаллар кетма-кетлигидан иборта булади:
  - @ Маълумотлар базасига қушимча ахборотлар киритиш: (масалан, эскирган ахборотларни янгилаш)
  - @ Маълумотлар базасидаги ахборотларни учирини.
  - @ Маълумотлар базасидаги ахборотларга узгартиришлар киритиш.
  - @ Маълумотлар базасидаги ахборотларни қайта ишлаш.

## 3. ЭҲМ да атрибут маълумотлар хақида тушинчা.

№	Ташкилот	Ишчилар	Асосий фондлар қиймати	Жойлашиш урни

№	Ташкилот	Ишчилар	Жойлашиш урни
1	Ташкилот 1	2000	Шахар 1
2	Ташкилот 2	1000	Шахар 2
3	Ташкилот 3	3000	Шахар 2
4	Ташкилот 4	2000	Шахар 1
5	Ташкилот 5	3000	Шахар 3

Файл: Шаҳар

курсаткич	Жойлашган урни
Индекс 1	Шаҳар 1
Индекс 2	Шаҳар 2
Индекс 3	

Файл: Ташкилот

Шаҳар 3

№	Объект	Ишчилар	Курсаткич
1	Ташкилот 1	2000	Индекс 1
2	Ташкилот 2	1000	Индекс 2
3	Ташкилот 3	3000	Индекс 2
4	Ташкилот 4	2000	Индекс 1
5	Ташкилот 5	3000	Индекс 3

4. Ахборот турлари атрибут маълумотлар базасида 3 та турдаги ахборотлар мавжуд булади:

1. Иерархик.
2. Тармоқ.
3. Реалияцион.

1. Иерархик ахборотлар дараҳт куринишида ташкиллаштирилган булади.

Берилган маълумотлар кетма-кетлигидан иборат.

2. Тармоқ ахборотлар узаро ихтиёрий боғланган булади. Бунда қушимча хисоблаш манбалари талаб қилинади.

3. Реляцион ахборотлар базаси 1970 йил Америкалик олим Каддом томонидан таклиф этилган. Бу ахборотлар тармоғи узаро муносабат куринишида булади. Яна жадвал куринишида хам бўлиши мумкин.

Бир қанча ҳариталарда мақсадга қараб маҳсус координата системаларидан фойдаланилади. (қутбий)

ГИС ни купгина системаларида объектлар вектор, растеркуринишида ва түгри бурчакли декарт координаталар системаси ишлатилади. ГИС пакетлари ишлашдан олдин жой туғрисидаги ахборотларни математик асосини талаб қиласди. (SPANS)

(Autocad PC ) ёки олдиндан махсус файлларда аник параметрлар сақланади (Map Info).

+уида Map Info ва MGE PC ГИС пакетларида фойдаланиладиган координата асослари ва проекциялари көлтирилган.

1. A (tws Eq wal) –тeng юзали алберс
2. Азимутал тенг масофали
3. Cassini-oldner
4. Gnomonic- гномоник
5. Lambert Conformal Conic-коничес.
6. Mercator-меркатор
7. New Zealand Map Grid
8. North Polar Stereographic
9. Orthographic
10. Polyconic
11. Robinson
12. South Polar Stereographic
13. Stereographic- стереографик
14. Van der Crinten
15. None Earth- ерга талуқли булмаган.

ГИС дастурларида фойдаланувчига қуидаги амалларни бажаришда енгиллик яратылған:

1. Масштабни узгартыриш
2. Юзани хисоблаш
3. Синиқ чизикларни улчаш
4. Полигон координаталарини хисоблаш
5. Координатта оғирлик марказларини топиш ва хоказо.

Бу қийматлар автоматик равищда махсус реалиацион жадвалларга ёзилади ва шу билан бирга полигон қатламларини жадвалга ёзади.

Бу полигон чегараларини күчириш ёки таҳлил қилишда жуда қулай.

Вектор амалларини бажаришда аналитик, геометрик формулаларга асосланган алгоритмлар ишлатилади: масофаларни улчаң, юзаларни хисоблаш.

Растер амалларини бажаришда эса яйчейкалар сони хисобланади.

Масофа улчаңда координата асосига кура хар хил алгоритмлардан фойдаланилади. Энг оддий холат декарт координаталар системасида икки нүкта орасидаги масофа қуйидаги формула билан хисобланади:

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда юқори аниқликдаги карталар тузишда ЭХМ дастурини қўллаш фойдаланувчининг вақтини тежайди ва олиб борилаётган ишларни осонлаштиради. Ушбу рақамли карталарни ишлаб чиқаришга жорий этиш иш унумдорлигини оширишда катта аҳамият касб этади.

## ТАБИЙИ, ИЖТИМОИЙ – ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР ТАХЛИЛИ

Битирув малакавий иши объекти хисобланган Қўштепа тумани вилоятининг ғарбий қисмида жойлашган, бўлиб туман маркази Лангар шахарчаси хисобланади. Фарғона шаҳри маркази билан Фарғона -Қўштепа авто магистрал автомобил йўли билан боғланади. Лангар шахарчасидан

Фарғона шаҳрига 17 км ни ташкил этади. Аҳолиси 198,3 минг киши. Туман аҳолисини меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлиги шу кунга келиб қўйидагича статистик маълумотларга эга 101.9 минг кишини ташкил этади иқтисодиётда банд бўлганлар сони 98.8 минг, шундан иқтисодий фаол аҳоли сони 97 минг кишини ташкил қилмоқда.

Лангар шахарчасида туман хокимиятининг биноси давлат ва маъмурий ташкилотлар, 4 та маъданият уйи, 1 та кинотеатр, 1та истироҳат боғи, марказий шифохона, 2 та поликленика, тиббий муассасалар, кўплаб савдо ва майший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари фаолият олиб борадилар. Фойдали қазилмалардан нефть, шил қум, соз тупроқ ва шағал мавжуд.

Туман аҳоиси асосан ўзбеклар бўлиб шунингдек рус татар корейс, тожик ва қирғиз миллат вакиллари ҳам истиқомат қиласди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км га 328.1 киши Қўштепа шахарчасида жами 37.2 минг кишини ташкил қиласди.

Туманда жами 364 та фермер ва дехқон-фермер хўжаликлар мавжуд бўлиб улар қўйидаги йўналишлар бўйича фаолият олиб борадилар жумладан: 187 та пахта-ғаллачилик, 135 та боғдорчилик, 17 та чорвачилик, 8 та сабзавотчилик, 10 та тутчилик, 2 та баликчилик, 2 та ғаллачилик, 1 та теракчилик, 1 та паррандачилик ва 1та бошқа тоифадаги корхонларига бўлинади.

Тумандаги ташкил этилган фермер хўжаликларни экспликация карталарини тузишда Қумтепа Қамиштепа тумандаги фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари мисолида тушиб чиқамиз.

Қўштепа туманинг шарқ томонида жойлашган бўлиб туманда жами 120дан ортиқ фермер ва дехқон фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Туман

ерлари, ғарб томондан Ўзбекистон туман ерлари билан, жанубдан тумнинг захира ерлари билан чегарадош.

Қўштепа туманида мавжуд фаолият кўрсатаётган фермер ва дехқон фермер хўжаликларининг ердан фойдаланувчиларнинг асосий йўналишилари куйидагилардан иборат: 16 та пахтачилик ва ғаллачилик, 56 та боғдорчилик, чорвачилик, 1 та сабзавотчилик ва 1 та паррандачиликка ихтисослашган ер эгаликлари иш олиб бормоқдалар. Фермер хўжаликларининг етакчи соҳаси пахтачилик, ғаллачилик ва боғдорчилик ҳисобланади. Қўшимча равища сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилади.

Бундан ташқари массивда чорвачилик соҳасида йирик шохли қорамоллар етиштириш хам ривожланган. Дехқончилик маданияти массивда сунъий суғоришга асосланганлиги учун асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги аксарият ҳолда худудни суғориш даврида сув билан қай тарзда таъминланиши билан боғлик. Шу билан бирга массивда фаолият кўрсатаётган хўжаликларга ерлардан самарали ва оқилона фойдаланишда ва унинг ривожланиш истиқболларини белгилашда жойнинг табиий хамда иқлим шароитлари хам маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади.

Қўштепажойлашган худуд иқлими кескин континентал иқлим бўлиб, асосан дехқончилик маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун анча қулайдир.

Фаргона вилояти гидрометеорологик станциясининг кўп йиллик статистик маълумотларига кўра бир йиллик ўртacha ҳарорат  $+8-12$  С ни ташкил қиласди. Йилнинг энг иссиқ даврида ҳавонинг ҳарорати  $+38$  С ни, энг совук даврида эса  $-23$  С ни ташкил қиласди. Иқлим ҳароратининг энг совук даври, декабрь ойининг ўрталари ва январ ойига, энг иссиқ даври эса июл ойига тугри келади. “Солижонобод Махмуд” массивнинг совук кунлари сони 70-75 кунни ташкил қиласди. Қишининг совук даври асосан ноябрнинг иккинчи ярмидан март ойининг биринчи ярмигача давом этади. Тупроқ қатламиининг энг чукур музлаши баъзида 40-50 см ни ташкил этади ва ер музлашининг бошланғич кузги даври ноябрь ойига сўнги даври эса март ойининг ўрталарига тўғри келади (2-жадвал).

Туманда қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун энг қулай муддат март ойининг охири ва апрел ойининг бошларига тўрғи келади. Массив ҳудудида йил давомида ёғингарчилик йил давомида ёғингарчилик кузатилиши мумкин ва унинг микдори 180-220 мм ни ташкил қиласи (3-жадвал). Энг кўп ёғингарчилик куз ойининг октябр, ноябр ойлари, қиш ва баҳор ойларига туғри келади. Ёз ойларида ёғингарчилик кам бўлади. Сувнинг буғланиши йил давомида 2000 мм ни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу ерларда лалми дехқончиликни ривожлантириш учун шароит етарли .

2-жадвал.

Ҳавонинг ойлар ва йил бўйича ўртача, максимал ва минимал ҳарорати (С).

Ҳарорат	Ойлар												Йиллик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
ўрт.	- 4.1	-2.9 5	4. 5	16.5	20. 0	23.0	25.8	23.9	17.6	9.5	2.4	- 2.1	27
мак.	15	19	29	34	41	41	41	40	38	32	25	17	45
мин.	-24	-18	13	-13	0	7	10	10	0	-10	-21	-22	-22

3-жадвал.

Ўртача ойлик ва йиллик ёғингарчилик микдори (мм).

Метео- стан.	Ойлар												Йиллик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
Китоб	8	8	15	12	10	6	2	2	1	4	8	12	88

Қўштепа тумани юқори шамол эсадиган минтақага киради. Шамолнинг бир йиллик ўртача тезлиги 8-15 м/с ни ташкил этади (4-жадвал). Шамол эсиш йўналиши асосан шимолий-шарқ томондан ва бу шамол микдори 25 % ни, шимолдан 15% ни ва ғарбдан 60 % ни ташкил этади .

4-жадвал.

Шамолнинг ойлик ва йиллик ўртача тезлиги (м/сек).

Флючер баланд,	Ойлар	Йил- лик

м.	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
11	3,5	3,8	4,2	4,2	4,2	3,6	3,1	2,9	2,8	2,8	3,1	3,2	3,4

Қўштепа худудида жойлашган ерларнинг рельефи асосан паст теккисликлардан аллювиял ва эллювиял адриклилардан иборат бўлиб, бутун массив ерлари бўйлаб тарқали кетган. Массив худудининг текислигини асосан жойда мавжуд бўлган сунъий иншоотлар, яъни суғориш каналлари, горизонтал ва вертикал суғориш тармоқлари ва дренажлардан фойдаланилган ҳолда суғориш йўлга қўйилган. Қияликнинг умумий нишаблиги 17-23 % ни ташкил этади.

Туман худудидаги тупроқлар асосан типик бўз тупроқлардан иборат бўлиб геоморфология ва тупроқ-иклимий шароитлари бўйича Шохимардон сойнинг аллювиал текислик қисмида жойлашган. Массив худудида бундан ташқари чул зонасига кирувчи ўтлоқи тупроқлар ҳам кўп микдорда учраб туради. Бу тупроқлар ўзининг ҳар хил хусусиятларига, суғориш даврига, механик таркибига, грунт қатламига ва шўрланиш даражасига қараб тупроқ турлари ва хилларига бўлинади. Массивда ўтказилган тупроқ текширув ишлари натижаси бўйича худуддаги тупроқлар 27 та тупроқ айирмасига ажратилган бўлиб уларнинг тавсифи 1-иловада келтирилган.

1иловадаги маълумотлардан кўринадики, балли энг юқори 50-78 бонитет балларига 1 ва 2 тупроқ айирмалари эга. Бу тупроқлар массивнинг энг унумдор тупроқлари ҳисобланади, чунки улар эскидан ва янгидан суғориладиган, ўрта маданийлашган, кам шўрланган ўтлоқи тупроқлардан иборат. Бундай сифатли тупроқлар худуднинг атиги 215 гектарини ташкил этади. Қолган тупроқлар сифати бўйича анча паст кўрсаткичга эга бўлиб, бонитет баллари 45-49 баллар атрофида. Массив тупроқлари кам даражада ювилган, гипслашиш даражаси бўйича эса бироз гипслашган тупроқлардан иборат. Массив бўйича ўртacha бонитет кўрсаткичи 60.7 баллни ташкил этади. Энг паст баҳоланган тупроқлар - бу ўрта ва кучли даражада шўрланган, янгидан суғориладаган, кам маданийлашган тупроқлардир. Қайд қилиш зарурки, массив худуди учун энг

салбий омил бу – шўрланишдир. Бу ҳолат ҳудуднинг паст даражада дренаж тармокларига эга эканлиги ва тупроқларнинг маданийлашганлик даражаси паст эканлигини кўрсатади.

Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи бўйича массив ер майдонларидан фойдаланишни яхшилаш ўз навбатида гидрогеологик шароитни ўрганиш ва сугориш шароитини ҳисобга олишни тақозо этади.

Суғориладиган минтақаларда қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ундан самарали фойдаланишда ирригация ва мелиорация тармоқларининг аҳамияти жуда катта.

Массивнинг ер фонди ва ундан фойдаланишнинг таҳлили. Республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб келган пахтачилик тармоғи олдида турган вазифаларни ўз вақтида, белгиланган кетма-кетлиқда ҳал қилинишини таъминлашга қаратилган иқтисодий ислоҳатларни давр талаби ва тармоқ хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириш ва амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги кунда массивда бир қатор турар ва нотурар объектларга  
кадастр хужжатлари расмийлаштирилиб давлат рўйхатига олиган. Бу  
хужжатларни расмийлаштирища бирни навбатда объектни ўрганиб геодезик  
ўлчов ишлар олиб борилган. Сўнгра план ва карталари такомиллаштирилиб  
маҳаллий координаталар системасида ДЯКТ махсус дастурлар ёрдамида  
рўйхатдан ўтказилган.

Хусусан битириув малакавий ишимни мавзусидан келиб чиқиб массивда  
барпо этилган бино иншоотлар жойларни давлат рўйхатидан ўтказиш даврида  
амалга оширилаётган ишларни тахлил қилиб чиқилади.

## ЛОЙИХАНИ ТУЗИШ ҲАМДА УНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК АСОСЛАШ

Битирув малакавий ишда Карталарни тузиш ишларида ЭХМни кўллашнинг ахамияти.(Қўштепа тумани Солижонобод массиви мисолида) кўриб чиқамиз. Ҳозирги вақтда ЭХМларни қўллаган холда карталар тузиш анча жадаллашган. Бунда асосан маҳсус карта тузиш дастурлари ёрдамида бажарилмоқда. Булардан бир неча датурни кўриб чиқамиз ва бир-биридан таққослаб кўрамиз.

MapInfo ГИС дастурининг асосий хусусияти — унинг оммабоплигидадир, яъни бу тизим: графики тасвиirlарни ўқиш (куриш) ва

уларга кайта ишлов бериш; маълумотлар базаси билан ишлаш; маълумотлар базасида қидирув ишларини амалга ошириш, редакторлик ишларини бажариш; картографик белгиларни қуриш; диаграммаларни тузиш; картани нашрга тайёрлаш ва нашр килиш ишларини бажариш имкониятига эга.

Дастурда маълумотларни қуриш учун З хил дарча мавжуд: матнли, картографик ва графики. Монитор экранида бир йўла бир неча дарчалар намоён бўлиши мумкин. Масалан, фойдаланувчига шахар қўчаларини тасвиirlовчи планли картографик дарча ва унга хос булган жадваллар матни дарчаси. Экранда уосил килинган дарчалар фаол уисобланади. Дастурнинг яна бир хусусияти — дарчаларнинг бир-бири билан узвий бевосита боғланганлигидадир, яъни бирор дарчада узгариш булса, бошка дарчаларда уам шунга караб узгариш булади. Агар графикли обьект ва унга мос келадиган матнли жадвал ёзуви танланса, у картографик дарчада уам ёритилади ва аксинча, картографик дарча тасвири танланса — у графикли дарчада уам ёритилади.

Матнли дарча катор ва устунларга эга булган жадвал куринишдаги электрон сахифа бўлиб, унинг уар бир катори маълум ёзувни акс эттиради ва уар бир устуни ушбу ёзув майдонини англаатади. Дастур ёзувларни кушиш, таҳрир килиш, учирин имконини беради. Фойдаланувчи дарчадаги керакли

устунларни куриш учун танлаб олиши, улчамларини узгартириши мумкин. Картографик дарча бошка купгина ГИСлардагидек катламли тасвирлашда фойдаланилади. Хар бир катламнинг тавсифи фойдаланувчини талабидек курсатилиши, таҳрир килиниши мумкин. Ташки картографик дарча матн дарчаси каби жиуозланган. У бошка дарчаларни курсатиш учун горизонтал ва вертикал айлантириш чизгичига эга. График дарчадан нуктали, чизикли, юзали ва бошка турдаги объектлар билан ишлаш учун фойдаланилади.

MapInfo дастури уисботлар тузиш, графиклар ва диаграммалар куриш, статистик карталар ишлаб чикишнинг ривожланган воситаларига эга. Дастур мавзули карталар, шартли белгилар ва шрифтлар яратса олади. Маълумотлар базаси оркали объектнинг сифат ва микдорий курсаткичларни акс эттирувчи шкаалалар тузиш йулларига эга. Бундан ташкири, дастур карталарнинг шартли белгиларини хосил килиш, уларни тушунтирувчи ёзувлар билан таъминлаш ва энг асосийси, карталарни таҳрир килиш имкониятига эга.

MapInfo дастури ахборот-маълумотнома туркумидаги шахсий ГИС хисобланади.

Юкоридаги кайд этилган имкониятлардан келиб чикиб, MapInfo Географик ахборот тизимида мъжиза яратса булар экан, деган фикр пайдо булади, чунки асосий картага тайёрланган катламни күшсак суралган захоти — “Карта тайёр”, деган жавоб чикади! Лекин, картани тайёрлаш жараённан кандай технологиялар танланишидан катъий назар, жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилиши керак.


Картани тузишга киришишдан аввал, мутахассис натижа кандай булишини аник тассавур килиши, картанинг масштаби, унда канча худуд акс эттирилиши, кайси элементлар асосий ва кайсилари иккинчи даражали, батафсиллик даражаси кандай, жараёнларни курсатиш кайси материаллар асосида бажарилиши, худуднинг хусусияти ва х. аник билиши керак, акс холда карта тузишни тасаввур килиш кийин.

Шунинг учун *MapInfo* дастурида карта тузилаётганда, редактор томонидан катта таҳририй тайёргарлик ишлари бажарилади. Айнан у хамма юкорида келтирилган саволларни урганади ва карта дастурида ёки редакцион


курсатмалар хужжатларида кайд этади. Бундай хужжатларнинг мазмуни, таркиби, уларга куйиладиган талаблар «Карташунослик, Умумгеографик карталарни лойихалаш ва тузиш, Табиий карталарни лойихалаш ва тузиш» ва бошка курсларда батафсил баён этилганлиги сабабли, услубий кулланмада редакторлик ишлари жараёни куриб чикилмаган.

"Маъмурий чегаралар" катламини саклангандан сўнг у автоматик тарзда катламлар руйхатига кушилиб колади, буни "Катламларни бошカリш" "Управление слоями" дан курит мумкин.


Шундай йул билан "Шахарлар", "Йуллар", "Гидрография" объектларининг узларига мос келадиган белгили ва чизикли куринишидаги юзали, нуктали ва чизикли катламлари



Катламлар руйхати ва номлари



Мавзуули картанинг географик катламлари



Автоматик равища жадвалга маълумотларни киритиш. Ушбу услуга одатда картадаги куплаб объектлар буйича (участкалар юзаси, йуллар узунлиги, ердан фойдаланишда бурилиш бурчаклари кординаталари ва бошкалар) маълумотларни ЭХМ хотирасига жойлашда, шунингдек катор ностандарт саволларга жавоб беришда, масалан, типик буз тупроклар майдонлари, трансформацияланувчи экинларнинг умумий майдони ва бошкалар хакидаги маълумотларни киритиш зарур булганда кулланилади. Бунинг учун сурвенинг маҳсус услуги (*SQL*) дан фойдаланилади.



Графикили тасвирлар билан ишловчи компьютер оддий офис ва уй компьютерларидан кувватлирок булиши керак, яъни энг аввал унинг хотираси кенг, тезлиги юкори ва каттиқ диск хажми анча катта булиши керак. Бундай компьютерларда минимал оператив хотира хажми 128 Гб, 256 Гб ва ундан катта булиши керак. Каттиқ дискнинг хажми 20 Гб атрофида булиши керак. 5 гб диск билан хам ишласа булади, бундай вактда дискни доимо бушатиб туриш керак булади. Шу сабабли компьютерда компакт дискларга ёзиш мосламаси булиши ва унда карталар фрагментини бошка компьютерга кутириш имконияти яратилган булиши зарур. Процессорга маҳсус талаблар қуйилмайди, лекин

тасвирни тахлил килишда узок уйламасдан уни етарли даражада тез монитор экаранида курсатиш талаб килинади.

Видеoadаптер хам замонавий булиши керак, унинг янги ишланмаси зарур эмас, лекин у танланган мониторда берилган режимда дастурни ишлашини таъмини керак. Барча компьютерларда монитор асосий тармок булиб хисобланади, чунки тасвир унинг экранида хосил килинади. Шунинг учун графикли тасвирлар билан ишлайдиган мутахассислар мониторни обдан синчковлик билан танлаши зарур, айникса тасвир билан ишлашда бу жуда мухим.



Мониторнинг диагонали 17 дюймлисини ишлатиш максадга мувофик эмас, купрок 19 - 21 дюйм лисида ишлаш маъкул. Монитор 1024 нуктали булиб 1280 дан кам булмаган тиникдикни таъминлаши керак. Тасвир рангининг тиниклик даражаси 16 битдан 32 битгача булса, ранглар яхши куринади. Унинг янгиланиш частотаси секундига 85 гц дан кам булмаслиги керак, акс холда куз хизматининг тезда толикишига олиб келади.

Тайёргарлик боскичидаги энг асосий вазифа - бу графикли ёки бошка ахборотларни раками куринишга келтиришдир. Хрэирги вактда графикли ахборотларни раками куринишга келтиришнинг учта усули мавжуд: нуктали, чизикли ва сканирли. Нуктали усулда планшет оркали объектларни ракамлаш жараёни дигитализация (ингл. *digit* - ракам) дейилади. Кул билан ёки чизикли усулда дигитализациялашда ахборотлар дастлаб сараланади, турли план, карта ва чизмалар эса маҳсус тайёргарликсиз ишга кабул килинади.

Дискрет турли кодловчи мослама А4 дан то А0 форматли планшетлардан ва “+” шаклли визирли катталаштирувчи шишадан, қалам ёки курсаткич шаклли тигдан иборат булиб, кодловчи мантикий курилма билан кабель оркали боғланган. Керакли вактларда компьютер буйругига биноан иғналар билан когозга уриб, катор ёқалаб юриб босмани амалга оширади. Бундай ускуналардан графики хужжатларни нашр килиш учун фойдаланса булади. Агар козикчалар бир-биридан 0,2-0,3 мм масофада жойлашган булса, чизмалар куполрок чикади, лекин куп холларда бундай сифат хам фойдаланувчини коникиради.

Бу турдаги ускуналар амалда плоттер ва принтерлар уртасидаги чегарани йукотади ва картографик маҳсулотни нашр килишда самарали ишлатилиши мумкин. Хрзирги пайтда улар “нарх - ишлаб чикариш унумдорлиги - сифат” курсаткичлари буйича анча афзалликларга эга булиб, бу курсаткич кундан-кунга усиб бормокда.

Рангли элементлари куп ва ута мураккаб булган карта ва чизмаларни нашр килишда окимли (струйный) плоттерлардан кура перолиларини ишлаб чикариш илгарилааб кетди. Бу турдаги ускуналарнинг босма тизими сиёх тулдирилган

картриджлардан  
(монохроматик ранглар  
учун 1 та картридж,  
спектрнинг бошка  
ранглари учун 4 дан 6  
тагача) ва окимли  
каллаклардан  
иборат.  
Окимли каллак купдан-  
куп пуркагичлардан  
иборат матрица булиб,



улардан

котозга


сиёх

томчилари

отилади.

**Panorama**- дастури хам Геоахборот тизимиға киради, У “SIT” фарматли карталарга мослашған: Panorama дастурини куплаб функциялари мавжуд булиб, унда айрофотосуратларни таҳлил килиш ва улар устида ишлаб замонавий ракамли ҳариталар таёргланади. Бу ишлар Айрофотогеодезия корхонасида бажарилади.

Бундан ташкари Panorama дастуридан хозирги кунда кишлок хужалигига хам куп фойдаланиб келмокда унинг кулайлиги шундаки уни ишлатиш хамда дастурни компьютерга ўрнатиш онсон булиб, дастурни урнатганимиздан сунг керакли жойни ҳаритасини танлаб олиб фойдаланиш соҳасига караб, яъни унда кишлок хужалик экинларини жойлаштиришшимиз, жойлаштирганимиздан сунг экин турларига караб уларни хар хил рангларга ажратишимиз мумкин. Масалан Сарик ранг Галла, Яшил пахта, штрих чизикили жой эса дала томаркаларни англатади буларни шартли белги асосида электрон картамизга ёзиб кўямиз.



Бундан ташкари зарур булган контурни майдонини компьютерда хам далага чикмасдан туриб улчаб майдонни аниклашимиз ва бизга керакли булган жойни калкага чизиб ундан сунг тушлаб утирмасдан бирданига Рапоготада керакли

чойнинг хохлаган масштабда печат сунг вибрат килиниб керакли жойни кесиб олиб принторда когозга чикиришимиз мумкин. Масалан олдинлари битта фермер хужалигига 23.0 га ер ажратиш учун **чизма 3 сотлаб вакт кетган** ҳозирги кунда **Panorama дастурида бу ишни 3 минутда бажариш имконияти бор.**

Картани тузишга киришишдан аввал, мутахассис натижа кандай булишини аник тассавур килиши, картанинг масштаби, унда канча худуд акс эттирилиши, кайси элементлар асосий ва кайсилари иккинчи даражали, батафсиллик даражаси кандай, жараёнларни курсатиш кайси материаллар асосида бажарилиши, худуднинг хусусияти ва х. аник билиши керак, акс холда карта тузишни тасаввур килиш кийин.

ArcGIS дастурида карта ва планларни тузиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада бир қатор компьютер дастурларидан фойдаланишни таққазо этади. Ҳозирги кунда кадастр соҳасида ArcGIS дастурий таъминотлари ёрдамида карта ва планларни тузиш шакллантирилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда барча соҳаларда шу жумладан аҳоли яшаш жойлари, қишлоқ хўжалиги корхонларида ахборот технологиялари шу даражада ривожландики, уларда кадастр ишларини такомиллаштириш давр талабига айланди. Бунда рақамли хариталар яратиш ва улар билан ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Рақамли хариталарни яратиш учун янги замонавий асбоблар ва дастурлар зарур бўлади. Шу жумладан ҳозирда ишлаб чиқаришда қўлланилаётган ArcGIS дастури янги рақамли хариталарни яратишга жудаям қўл келади. Ушбу дастур ёрдамида яратилган харитлар билан ишлаш фойдаланувчининг имкониятларини янада кенгайтиради. Шунинг учун ушбу дастур ёрдамида харита яратиш ишларини такомиллаштириш давр талаби хисобланади.

ArcGIS ESRI компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу обектларни географик маълумотлари ва атрибут маълумотлари билан биргаликда ишлаш имкониятини беради.

Солижонобод массиви ҳудудидаги ерларнинг 71.7 % ни қишлоқ хўжалик ер турлари ташкил этгани ҳолда, унинг 67.0 % ни ҳайдалма ерлар ва кўп йиллик мевали дaraohтлар ташкил этади.

Массивга бириктирилган майдондан фойдаланиш коэффициенти фойдаланилаётган ерларнинг умумий майдонига нисбати бўйича аниқланиб, унинг кўрсаткичи 0.84га тенг .

Қишлоқ хўжалик ер турлари таркибида 11.0 га яйловларнинг мавжудлиги массивда ердан фойдаланиш даражасини яхшилаш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Солижонобод массивида мавжуд бўлган ҳайдалма ерларда экиладиган қишлоқ хўжалик экинларинингтаркиби ва майдони бўйича маълумотлар келтирилган.

Солижонобод массивида мавжуд бўлган 1194 га ҳайдалма ерларнинг 100% қишлоқ хўжалик экинлари билан банд. Фойдаланаётган ҳайдалма ерларда экиладиган экинларнинг майдонларини таъвифласак, унда пахта экини 55% ни, буғдой 31%, озиқ-овқат экинлари 7%, ва ем-хашак экинлари 7% ташкил килади.

Солижонобод массивининг иқтисодий фаолиятини кўрсатувчи йиллик ҳисобот маълумотларига кўра маҳсулот этиштириш учун 1582139.9 минг сўмлик харажатлар сарифланган ва соф даромад 446244.7 минг сўмни, самарадорлик кўрсаткичи эса 28.2% ни ташкил этган.

Хўжалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритиш чун зарур бўлган асосий ишлаб чиқариш воситалари: бинолар, иншоатлар, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, мевали дaraohтлар ва бошқалар билан етарли даражада таъминланган. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир қўрсатувчи асосий омиллардан бири бу ишлаб чиқаришнинг керакли техникалар билан таъминланишидир.

Янги ер майдонларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун ўзлаштириш ҳажмлари ва тартибини аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши керак: ер турларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ўзлаштириш учун керакли бўлган харажатлар даражаси ва бу харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги;

ўзлаштириш режалаштирилаётган ерларнинг ҳудудий жойлашуви; ишчи кучи, материал - техник ресурслари билан таъминланганлик даражаси.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ўсишини таъминлаш учун ердан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишда қуидагилар хисобга олиниши керак:-қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг самарали жойлашуви, минтақавий ва хўжалик ишлаб чиқариши йўналишларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни концентрациялаш; илмий асосланган дехқончилик тизимини жорий қилиш асосида тупроқ унумдорлигини ошириш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, суфориладиган ерларни кенгайтириш, улардан фойдаланишни яхшилаш бўйича тадбирлар тизимини ўтказиш орқали қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш; ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, қимматбаҳо ер турларининг ноқишлоқ хўжалик эҳтиёjlари учун ажратиб берилишини қатъий чегаралаш.

Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўз ичига аниқ ҳудуднинг биоиқлим ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш, ушбу ҳудудда энг юқори ҳосил берадиган экинларни жойлаштириш орқали қишлоқ хўжалик махсулотлари ишлаб чиқаришни оширишни кам ҳаражатлар асосида амалга ошириш бўйича тадбирларни олиши керак.

Солижонобод массиви бўйича келажакда ердан фойдаланиш даражасини ошириш кўзда тутилади:

1. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилмаётган яйловларни ўзлаштириш;
2. Лойиҳа бўйича қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини ва майдонларини аниқлаш;
3. Ер турларини ҳудудда жойлаштириш;
4. Алмашлаб экиш тизимини ташкил этиш ва ҳудудда жойлаштириш.

Шубу массивда ЭҲМлар ёрдамида катраларни тузишни бир неча дастурлардан фойдаланиб кўриб чикаман.

«ArcGIS» дастуридан фазовий маълумотлар билан ишлашда фойдаланиш мумкин. Дастурининг асосий хусусияти-жадвал кўринишида оддийлик билан

ишга тушиши, dBASE типидаги файллар ва сервер маълумотлар базасидан маълумотларни тасвирлашда, қайта ишлашда уларни яхши тушуниш ва тахлил этишдир.

Ўзлаштирилиши оддий. ArcGIS дастурида фойдаланувчи учун тушунарли ва қулай интерфейс яратилган ва картографик қайта ўзгартириш қанчалик берилган бўлса хам беркитилган. Операциялар, тушунарли ва оддий бўлиб, базавий маълумотлар билан ишлаш имкониятига эга.


1.Картографик иш столини ўзлаштириш учун базавий маълумотлар билан ишлаш иш тажрибасига эга бўлиш холос.

2.Маълумотлар ойнасининг 3 хил кўринишда хохлаган миқдорда кўриш мумкин: карта ойнаси, рўйхатлар ва графиклар.

3.Маълумотларни синхрон технологиясида тасвирлаш. Бир вақтнинг ўзида таркибида бир хил маълумотларга эга бир нечта ойналарни очиш имконияти мавжуд, хатто, бир ойнада маълумотлар ўзгартириш натижасида автоматик равища бошка ойналарда хам ўзгариш кўзатилади.

4.Растр маълумоти билан ишлаш.Кўрилаётган дастурда растр маълумотларини ишга тушириш ва географик проекцияларга боғлаш етарли даражада содда келтирилган. Мухим жихати шундаки, фойдаланувчи камидан учта координата нуқталарини билиши лозим. Хозирча бу дастурда растр маълумотларини буриш ва чўзиш имконияти эмас, аммо бу масалалар ушбу дастур фойдаланувчилари томонидан ёзилган иловалар мавжуд.

5.Маълумотларни визуаллаштириш. Бу тартиб, фойдаланувчиға жадвал кўринишидаги маълумотларни ҳар-хил кўринишда кўрсатиш имкониятини беради. Мисол учун, белгилар, диаграмма, рангланган майдон ва чизик объект ва бошқаларини масштабланган усулда кўриш мумкин. Картада маълумотларни таъсирлашда фойдаланувчи рақам кўринишидаги маълумотларни эмас балки уни орқасида турган картани кўради.



6. Геоахборот тахлил воситалари. ArcGIS дастурда буффер (лойихалаштирилаётган) чегарани ҳосил қилиш, ишлаб-чиқариш объектларини шакллантириш, объектларни ҳосил қилиш ва ўзгартериш график тахрирлаш ва бошқа имкониятларни беради. Фойдаланувчи мавзуули карталарни ҳосил қилиш, ранг бериш ва параметрларга боғлиқ холда географик объектларни расмийлаштириш, мавзуули карталари учун яратиш ва сақлаш имкониятига эга.

7. Географик объектларни гурухлаштириш воситалари. Турли вазиятларни оператив тахлил ва башорат қилиш имкониятига эга.


8. Хисоботлар ва нашрлар ҳосил қилиш. ArcGIS дастурда турли күринишдаги принтер қурилмаларидан карта парчаси, жадвали, график күриниши ва ёзувлари хисоботлар ҳосил қилиш ва нашрга бериш мумкин. Стандарт драйверлари орқали хулоса нашрга берилади.

9. ArcGIS дастури шахсий компьютерларнинг (Windows 95, 98, NT, XP ва Vista), Macintosh, XP UNIX ва бошқа тизимлари билан хам ишлайди. Барча тизимларда фойдаланувчи интерфейси бир күринишда. CD-ROMга ўзатиладиган ArcGIS форматидаги маълумотлар юқорида кўрсатиб ўтилган тизимлар орқали хам қабул қилинади.

10. Маълумотлардан фойдаланиш. Масофавий база маълумотларидан бириктирилган жадваллар ёрдамида фойдаланиш мумкин. ArcGIS дастуридан чиқмасдан туриб бириктирилган жадвалларни тахрирлаш ва ўзгартеришларни сақлаш мумкин. Менюлар ёрдамида Access ва Excel жадвалларини тўғридан тўғри очиш мумкин

Қатлам–бу бир турдаги векторли терма график маълумотлар тўплами:

нуқтавий, чизиқли, полигонли. Жадвал маълумотларни тасвирлашнинг асосий усули бу карталар. ArcGIS картаси бир нечта қатламлардан иборат бўлиши мумкин. ArcGIS дастуридаги вектор қатламлар объект жадвалидан ташқари, ойна картасида растр, мавзули ва косметик қатлам кўринишида кўрсатилиши мумкин. Косметик қатламлар хар доим карта ойнасининг энг тепасида жойлашган бўлиб, ўз ичиға маҳсус вақтинчалик жадвалда жойлашган маълумотларни олади.




Жадвал-ArcGIS дастурининг асосий ахборот бирлиги. Жадвални оддий тушунчасидан фарқланиши, ArcGIS дастурида у қатlam базавий маълумотлар жадвалига боғланганлиги ва мавжудлигидан картага мос келади. Базавий маълумотлар жадвалидаги ҳар-бир қатор график объектлар хақида маълумотига эга. Ҳар-бир жадвал устуни аниқ атрибутга эга. Ахборотларнинг бундай кўринишдаги маълумотлари юқори график учун қўллашга имкон беради. Бу географик объектларга диаграмма ва графикларни аниқ кўрсатиш учун имкон яратади. Ҳар қатламга биттадан жадвал мос келади. ArcGIS дастурида таблицани тасвирлаш учун рўйхат ибораси қўлланилади. Ишчи конфигурация-

маълумотлар умумийлиги (жадвал ва қатлам), мураккаб карта (картографик композиция) яратиш учун имкон беради Ишчи конфигурация қуидагиларни ўз ичидаги сақлаш имкониятига эга: жадвал, ойна, ёрдамчи ойна хамда уларнинг экранда жойлашуви.


#### ArcMap окносидаги географик қатламларнинг жойлашиши

ва тасвирланиши:




ArcGIS дастурида фойдаланувчи ишчи столи ойнасини сақлаш ва ишни кейинги сеансда чакириб олиши мумкин. Ишчи конфигурация ишга туширилгандан сўнг барча жадваллар ва ойналар очилади, чунки, ишчи конфигурация сақланаётган вақтда булар очилган бўлиб, барча ойналар шу рўйхат бўйича текисланади ва жойлаштирилади, шундан сўнг терма сақланаётган вақтдаги холатига қайтади.

Ёзув (Legend)- шартли белгилар рўйхати бўлиб, карта ёки графикада кўлланилади.



Хисобот-график маълумотлар умумийлиги, хulosани нашрга бериш учун мўлжалланган. Хисобот бир нечта ойнадан иборат бўлиб, карталар, ёзувлар, графиклар ва қўшимча маълумотларни ўз ичига олади.

Геокодлаш-бу картага мос келадиган объектларга бириктирилган базавий маълумотлар ахборот жойлашув тизими. Жадвал қатlam умумийлигини таърифлайдиган объектлар, ёзувлардан иборат географик маълумот (мисол, мамлакат номи, вилоят, шахар ёки манзил) ва сонлардан иборат. Геокодлашда ArcGIS дастури бу маълумотларни танлайди ва мавжуд маълумотлар жойлашуви орқали уни бирлаштиради ва картада объектни кўрсатиш ва боғланишни амалга оширишда кўмаклашади.



ArcGIS дастурида туман худудидаги барча қишлоқ хўжалик ерлари ва аҳоли яшаш пунктларининг давлат кадастр ягона тизимини яратиб келинмоқда. Бунинг учун ArcGIS дастурида туманинг ягона базасини ҳосил қилинган. Ягона базага барча маълумотлар киритилиб туманинг ArcGIS дастурида электрон карталари ҳосил қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан ер тузиш, давлат ер кадастрини юритиш учун Республика, вилоят, туманлар, массивлар ва фермер хўжаликларини замонавий электрон рақамли хариталар билан таъминлаш вазифаси белгилаб қўйилган бўлиб, қўмита тизимидағи бир қатор корхона ва ташкилотлар билан биргаликда «Ўздаверлойиҳа» институти таркибидаги «Геоинформкадастр» давлат унитар корхонаси томонидан ҳам замонавий электрон рақамли хариталар яратиш ва бу борадаги мавжуд янги дастурларни янада такомиллаштириш устида ишлар олиб борилмоқда.

Ер тузиш, давлат ер кадастрини юритишида фойдаланиладиган хариталар 2000 йилгача ананавий услубда, яъни хариталар қўлда чизилиб, ер майдонлари хисоблаб келинарди.

2000 йилдан бошлиб замонавий электрон рақамли хариталарни чизиш ва ер майдонларини хисоблаш ишлари тўлиқ компьютерлаштирилиб, автоматлаштирилган тизимда хариталар яратиш йўлга қўйилди. Хозирда янги технологияларни қўлланилиши натижасида электрон рақамли хариталардан

фойдаланиш имкониятининг қулайлиги, анъанавий (эски) усулга нисбатан афзалигини исботлади.

2017 йил мобайнида республика бўйича туманда электрон рақамли қишлоқ хўжалик хариталари яратилди.

Космик суратларга фотограмметрик ишлов бериш учун биз Leica Geosystems дастурий маҳсулотларидан фойдаландик.

Ишлар жараёнида қуидагилар амалга оширилди:

- Тасвирни коррекциялаш.
- Лойиҳани яратиш.
- Тасвир пирамидасини тузиш.
- 1:10 000 номенклатура листларининг математик асосини яратиш.
- Назорат нуқталарини қўйиб чиқиши.
- \*.DEM форматида рельефнинг рақамли модели барпо этиш.
- Ортофото тузиш
- Ортофотопланларни 1:10 000 миқёсда қирқимлаш.
- 1:10 000 масштаб номенклатура листларининг рамкадан ташқари расмийлаштириш ишлари.
- Хўжаликлар чегараларини рақамлаштириш.
- Ортофотопланларни хўжаликларинг чегаралари бўйича қирқиши.
- Ғўза ва ғалла экинлари эгаллаган ерларни дешифровка қилиш.
- Ғўза ва ғалла экинлари майдонларини аниқлаш.

Хозирги кунда катра тузишда ЭҲМларни қўллаган холда интернет орқали камерал шароитда жойларни картасини тузиш имкони бўлмоқда. Космосдан сурат олиш ишларини ўтказиш даврида биз томондан параллель равища дала текшируви ишлари ўтказилди. Дала текшируви жараёнида қишлоқ хўжалик экинларининг турлари, уларнинг ҳолати, ҳосилдорлиги ва бошқа тавсифлари таҳлил қилинди. Таҳлил қилинадиган далаларда (контурларда) ёки контурларнинг чегараларида ўзига хос нуқталар ёки объектларнинг координаталари GPS ёрдамида аниқланди ва рақамли фотокамера воситасида суратга олиб борилди. Барча тўпланган дала материаллари космик суратдаги

тасвирни жойдаги объектлар билан таққослаш йўли билан космик суратларни дала шароитида дешифровкалаш ишларини ўтказиш имкониятини берди.

Ишларни бажариш жараёнида тахлил этилган экин майдонларида кузатиш нуқталари бўйича қуидаги материаллар тўпланди:

- сана;
- вилоятнинг номи;
- туманнинг номи;
- хўжаликнинг номи;
- планшет;
- нуқталарнинг координаталари (кенглик ва узунлик секунднинг улушлари аниқлигига);
- қишлоқ хўжалик экинининг географик жойлашуви;
- жойнинг рельефи;
- қишлоқ хўжалик экинининг номи;
- экиннинг баландлиги ва зичлиги;
- тупдаги қўсакларнинг сони;
- жўякнинг 1 метрида тупларнинг зичлиги, сони;
- экин майдонларининг ифлосланиш даражаси бўйича баҳоси;
- дешифровкалаш этalonлари учун жойда олинган фотосуратлар.

Нуқталарнинг координаталари GARMIN қўл GPS навигатори ёрдамида олинди. Нуқталарнинг жойда олинган координаталари MGE дастурий маҳсулот ёрдамида рақамли картограммага киритилди ва Боёвут туманинг худуди бўйича 1:10 000 миқёсдаги ортофотопланларда дала ишларини олиб бориш нуқталари белгиланди.

Олинган дала материаллари асосида ACCESS маълумотлар базасини бошқариш тизими (МББТ) ёрдамида маҳсус маълумотлар базаси ишлаб чиқилди. ACCESS МББТ дастурида яратилган дешифровкалаш этalonларининг маълумотлар базаси намунаси келтирилган.

Тадқиқотлар натижалари бўйича маълум бўлдики, космик суратларда қишлоқ хўжалик экинлари майдонларидаги хира жойлар тупроқнинг

шўрланган ёки қумли турларини англатади. Пахта плантацияларидағи тўқ жигар ранг бу жойларда пахта ҳосилдорлиги юқори эканлиги ва ғўза тупларининг етарли зичлиги аломатидир. Ортофотопланлар камерал дешифровкаланганда, кучли ифлосланган жойларни аниқлаш, бедани ғўздан фарқлаш ёки қишлоқ хўжалик экинлариниг ҳолатини аниқлаш қийин эканлиги ва ҳ.к.лар маълум бўлди.

Қишлоқ хўжалик экинларининг турларини ва ҳолатини батафсилоқ таснифлаш мақсадида автоматик таснифлаш борасида экспериментлар ўтказилди.

IKONOS космик суратларини таснифлашда ERDAS Imagine Subpixel Classifier модули ёрдамида субпиксели таснифлаш технологияси синаб кўрилди.

ERDAS Imagine Subpixel Classifier модулида олинган эталонларни бошқа тасвирларга кўчириб ўтказиш имкониятлари мавжуд. Бу битта хўжалик чегарасида олинган априор маълумотларни ёндош хўжаликда қўллаш ва турли вақтларда олинган суратлардан фойдаланиш имконини яратади.

ЭҲМларда тузилган карталарни исталган масштабда ва керакли шаклда чоп этиш имкони ва қайта ишлашга имконияти борлиги билан ўзини оқлаб келмоқда. “Солижонобод” массиви ҳудудида мавжуд бўлган ерлардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш учун ердан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи табиий ва иқтисодий омиллар мавжудлиги аниқланди ва таҳлил қилинди ҳамда массив ҳудудида ердан фойдаланишнинг истиқболга режаси ишлаб чиқилди.

Ердан фойдаланишларнинг мавжуд ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлардан бири ер тузиш ҳисобланади. Шу сабабли, “Солижонобод ” массиви бўйича икки ечимда куйидагиларни ўз ичига олувчи ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда:

Ер турларининг таркиби ва майдонлари аниқланган улар ҳудудда жойлаштирилган.

Солижонобод массив учун энг самарали ҳисобланган ишлаб чиқариш йўналишини белгиланган холда тупроқ мониторинги ва илмий асослари ишлаб чиқилган.

Лойиҳаланган алмашлаб экиш массивларини жойлаштириш ечимлари ичидан энг кам транспорт харажатлари сарфланадиган жойлашув аниқланган.

Массив ҳудудида ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қўрсатувчи омиллардан бири бу экологик омиллар ҳисобланади. ЭҲМларда тузилган карталар ёрдамида ер майдонларни алмашлаб экиш ва уларни назоратини олиб боришаг жуда қулай ҳисобланади. Агар экин майдонларида режадан ташқари экин экилган бўлса буларни компьютер ёдамида карталарга ўзгартиришлар киритиши имкониятлари мавжудлиги билан ажралиб туради.

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ

Инвестициялар – бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида, давлат, юридик ва жисмоний шахслар (инвесторлар) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган эҳтиёжни қондириш учун иқтисодиётнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар бу жараённинг асоси бўлиб хизмат килади. Лекин, инвестициялар ўзаро фойдали жараён бўлиши кераклигини хисобга олмоқ зарур. Яъни, инвестициялар объектга қандай бўлса, субъект (инвестор)га ҳам шундай фойда келтириши керак.

Хукуқий жиҳатдан инвестиция тушунчаси “Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига сарфланадиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга доир хукуқлар”<sup>7</sup> деб таърифланган.

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини ошириш учун қабул қилувчи мамлакатларда қатор шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак. Бу – илгари қабул қилувчи мамлакатда бўлмаган ва ички ёки ташки бозорларда сотишга мўлжалланган янги товарлар, хизматлар, технологияларнинг жорий этилишига кўмаклашишдир. Бундай инвестициялар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолият юритаётган тармоқларга киритиладиган хорижий капиталга қараганда ижобий таъсир кўрсатади. Биринчи ҳолда хорижий инвестициялар капитал фонdlарига ижобий таъсир кўрсатади, чунки миллий ишлаб чиқарувчилар бундай товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматларни кўрсатиш учун тегишли билим даражасига, техник жиҳозларга ва технологияларга эга эмас.

Агар инвестициялар рақобатбардош маҳаллий компаниялар (ёки экспортга йўналтирилган компаниялар) фаолият юритадиган тармоқларга йўналтирилса, хорижий инвестицияларнинг киритилишининг ўзи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар пайдо бўлишидан олдин миллий ишлаб чиқарувчилар учун очиқ бўлган инвестиция имкониятларини чегаралashi мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бундай тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ички капитални қисқартириши аниқ кўриниб турибди,

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ти Қонуни.

ваҳоланки, бу капитал маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан келгусида киритилиши мумкин эди. Бундай тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий капитал фондлардаги улуши киритилган инвестициялар ҳажмларига қараганда камроқ бўлади.

Хар бир давлатда, унинг иқтисоди ривожланган ёки иқтисодиёти ўтиш даври хусусиятига эга бўлишидан қатъий назар, мазкур мамлакатга хорижий сармоянинг кириб келиши ҳамиша ижобий ҳодиса сифатида қаралади. Чунки, кириб келаётган сармоянинг кўпайиши тўлов балансини яхшилаш орқали, миллий валюта курсига ижобий таъсир кўрсатади, ислоҳотлар ўтказишида зарур маблағлар билан таъминлайди, техник баъзани янгилашга хизмат қиласди, янги иш ўринлари яратилади, замонавий иш юритиш услубини тадбиқ этади ва бу билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Шунинг учун ҳам бир давлат ўзининг инвестицион сиёсатини изчиллик билан олиб бориши ва инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиши даркордир.

“Инвестиция сиёсати (инглизча – investment policy) – бу ички ва ташқи сиёсатнинг умумий йўналишини ҳисобга олишда маблағлардан фойдаланиш бўйича энг кўп иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадида мамлакатнинг ичида ва чет элларда амалга ошириладиган капитал қўйилмаларнинг йўналишини ва тўпланишини белгилайдиган ижтимоий-иктисодий ва хўжалик ечимларини мажмуудир”

Инвестиция сиёсати – инвестиция фаолиятини жонлантириш, иқтисодиётни юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий муамоларни ҳал қилиш мақсадида иқтисодий субъектлар учун қулай хужалик юритиш шароитларини яратишга қаратилган мақсадли тадбирлар мажмуудир.

Давлатнинг ташқи инвестиция сиёсати – бу ташқи инвестицион оқимларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тизимиdir.

Инвестиция сиёсати давлатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш борасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолиятнинг энг муҳим доимий воситаларидан бири ҳисобланади. Бундай сиёсат давлатнинг бутун сиёсий

соҳасининг асосий ўзагини ташкил этади ёки, бошқача айтганда, бу бутун давлат сиёсий фаолиятининг негизидир

Мамлакат ишлаб чиқариш салоҳиятининг ошиши, иқтисодий ўсиш суръатлари, моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг ошиши, жамики инфратузилманинг ривожланиши кўп жиҳатдан инвестицияларга ва инвестиция сиёсатига боғлиқ бўлади.

Инвестиция сиёсати давлатнинг жамиятда моддий неъматларни такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишга инвестиция воситаларини сафарбар қилишга доир функциясидир. Давлат сиёсатининг ушбу соҳаси ташкилий-хуқуий жиҳатдан олганда, унинг тегишли органларининг бундай сиёсатнинг мақсадлари ва вазифаларини белгилаш, уни амалга ошириш учун маблағларни кидириб топиш борасидаги фаолиятидан иборат бўлади.

Жаҳон иқтисодиёти амалиётида инвестиция сиёсатининг учта моделини ажратиш мумкин.

Биринчи модельни шартли равищда “америка”, иккинчисини – “япон” ва учинчисини – “тайван” модели деб атамиз. Келтирилаётган тасниф бозор иқтисодиёти ривқожланган мамлакатлар тажрибасини тизимлаштиришга ўринишидир. Мухими, бу моделларнинг барчаси самарали бўлиб, ушбу илфор тажрибадан ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида муносиб инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш учун чуқур ўргакниш зарур.

Биринчи модельда асосий эътибор хусусий инвесторлар учун белгиланадиган солиқ имтиёзларига қаратилади. Икинчи модельда хусусий лойиҳаларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши марказий ўринни эгаллайди. Учинчи модел эса давлатмувофиқлаштириш камчиликларини бартараф этиш, хусусий инвесторлар қарорларини мувофиқлаштириш миеханизмларини яратиш бўйича зарур инфратузилмани яратади ва инсон капиталига сарфланган қўйилмаларни рағбатлантиради. Юқорида қайд этилган инвестиция сиёсати моделлари кенг кўламлим дастакларни ўз ичига олади.

Америка моделида давлатнинг инвестиция сиёсатида асосий ўринни солиқ дастаклари эгаллайди. Бундан ташқари, бозор дастаклари ёрдамида нархлар ва фоиз ставкаларини барқарорлаштиришга йўналтирилган изчил

либерал макроиктисодий сиёсат амалга оширилади. Ушбу тизим доирасида банкларга иккинчи даражали ўрин ажратилган. Инвестиция ресурсларининг самарали тақсимланишини назорат қилишнинг асосий механизми - бу фонд биржасидир. Айнан ривожланган қимматбаҳо қоғозлар бозори ушбу модельни муваффакиятли амалга оширишнинг зарур шарти ҳисобланади. Давлат мувофиқлаштириш муаммосини иқтисодиётнинг ҳолати ва ривожланиш прогнозлари тўғрисида сифатли иқтисодий ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш орқали ҳал этишга ҳаракат қиласиди. Давлат заруриятга қараб инфратузилмани ривожлантиришга инвестициялар йўналтиради. Ушбу инвестициялар фақат фавқулодда ҳолатлардагина умуниқтисодий стратегиянинг элементларига айланади (Рузвельтнинг “янги курси”). Модель зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлганда инвестициявий ресурсларнинг самарали тақсимланишини таъминлайди.

Япон модели давлат ва хусусий инвесторлар ўртасидаги фаол ҳамкорлик асосида қурилади. Давлат банк соҳасини назорат қиласиди ва аҳоли жамғармаларини мустақил жалб этади. Ушбу маблағларни корпорацияларга ҳамкорлик ва ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажариш эвазига имтиёзли шартларда беради. Инфратузилмага сарфланадиган инвестициялар муайян хусусий фирмаларнинг эҳтиёжлари билан бевосита мувофиқлаштириб амалга оширилади. Давлат томонидан ташкил этиладиган маслаҳат кенгашлари мувофиқлаштириш ролини ўз зиммасига олади. Ушбу модельни амалга оширишнинг зарур шарти – кучли хусусий сектор ва самарали аппаратга эга бўлган давлатдир. Ушбу модельнинг афзаллиги катта хажмдаги маблағларни самарали инвестицияларга сафарбар этиш имкониятига эгалиги билан белгиланади. Камчилиги эса инвестицияларни режалаштириш жараёнининг сиёсийлаштирилиши ва асосий пул – кредит индикаторларининг кутилмаган ҳолда ўзгариши, шу жумладан, сиёсий доираларнинг коррупцияланиши билан изоҳланади.

Очиқ ва либерал инвестиция сиёсати объектив қарашли маъмурият томонидан ижро этиладиган очиқ – равшан, самарали ва қатъий риоя қилинадиган қонунларга эга бўлганида – хорижий инвестицияларни жалб

қилиш учун кучли рағбат ҳосил қиласи. Бундай сиёсатни ишлаб чиқиш республикамизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади, шунинг учун Республика инвестиция фаолиятининг хуқуқий баъзасини яратишида “Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида “(1995 йил 5 май), “Инвестиция фаолияти тўғрисида” (1998 йил 12 декабр), “Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида” (1998 йил 30 апрел), “Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида ” (2000 йил 30 август) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантиришлар ва имтиёзлар тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулоти экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги Фармонлар ва Қонунларининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу инвестицион иқлимнинг асоси қилиб олинаётган қонун хужжатлари орқали давлат хорижий инвесторларга нисбатан:

- умумий рағбатлантириш чоралари;
- хусусийлаштириш жараёнининг тезлаштиришнинг рағбатлантирилиши;
- саноатнинг устувор соҳалари, ёқифи энергетика мажмуини жадал ривожлантиришнинг рағбатлантирилиши;
- халқ хўжалигининг илм-фан талаб тармоқларида ишлаб турган кувватларини янгилаш ва янгиларини барпо этишининг рағбатлантирилиши;
- экспорт салоҳиятини кучайтириш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишнинг рағбатлантирилиши;
- экспортда машинасозлик-техника маҳсулотлари, тайёр маҳсулотлар хиссаси ва ҳажмини қўпайтиришнинг рағбатлантирилиши каби чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Мамлакатимизнинг ўтган даврлар статистикасига назар ташлайдиган бўлсак [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотларига кўра, 2017 йилнинг январь-декабр ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани

ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 60 719,2 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2016 йилга нисбатан 107,1 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестициялар ҳажми 1995 йилга нисбатан 8,7 марта, 2000 йилга 5,8 марта, 2005 йилга 4,6 марта, 2010 йилга 182,2 % ва 2015 йилга нисбатан 115,3 % га қўпайди.

2017 йилнинг январь-декабрида жами асосий капиталга инвестицияларнинг 61,0 % Тошкент шаҳри, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари:

- Тўрақўрғон туманида қуввати 450 МВт дан бўлган икки буғ-газ курилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши;
- “Ангрен” ЭИЗ да қишлоқ хўжалиги ва автомобил шиналари, конвейр ленталарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- Худудий автомобил йўлларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш;
- Ерусти рақамли узатиш тармоғини ривожлантириш ва бошқалар.

Қурилиш ва геодезия соҳасига жалб қилинган хорижий инвестициялар келажакда малакатимиз қурилиш саноатини ривожланган мамлакатлар саноатига tengлаштириш имконини беради.

## ХАЁТИЙ-ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ

Меннинг Битириув малакавий ишим мавзуси Карталарни тузиш ишларида ЭХМни кўллашнинг ахамияти.(Кўштепа тумани Солижонобод массиви мисолида) кўриб чиқдим.

Бу ишни бажаришда қуйидаги хаётий-фаолият хавфсизлигига эътибор қаратдим. Бизга маълумки Ўзбекистон Республикаси “Мехнат кодекси”нинг 211-моддасига мувофиқ барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари Мехнат кодекси, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек техник стандартлар билан белгиланади.

Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш юз бериши мумкин бўлган баҳтсиз ходисаларнинг олдини олиш, асослантириш, меҳнат шароитини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳавф ҳатарсиз ўтишини таъминлаш ва хавфсизлик тадбирларни илмий асосда ишлаб чиқаришдан иборат. Бу тадбир чоралар техника ва технологиянинг тўхтовсиз ривожланаётганлигини хисоблаб.

Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг вазифалар бўлажак ҳар бир мухандисга меҳнат муҳофазаси қонуниятлари ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини ўрганиш уларни саноатда шикастланиш ва касб касалликларига қарши курашиш кимё, озиқ-овқат, саноат корхоналарида бўладиган ёнгин ва портлаш ходисаларининг олдини олиш чоралари билан таништиришдан иборат.

Меҳнатни муҳофаза қилиш фани бир қанча фанлар билан узвий боғлиқ унинг асосий текшириш манбаи меҳнат жараёнида саноат мухити ва шароитининг одам организмига таъсири шунингдек саноат жихозлари технологик жараён ва меҳнатни ташкил қилиш билан инсон ўртасидаги боғланишни ўрганишдан иборат. масалалар муваққият билан амалга оширилади

хукуматимизнинг бир қанча қарорларида меҳнат шароитларини яхшилаш чора тадбирларни амалга ошириш масалари қўрилди. Иш шароитини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ишлар ижобий натижалар бермоқда.

Бизда янги техника технологияни жорий этиш меҳнат муҳофазаси хавфсизлиги стандартлар тизими асосида бажарилади ва бошқариш меҳнат шароитини яхшилаш майший ускуналардан унумли фойдаланишга қаратилган масалалар чора тадбирлар режа асосида амалга оширилади.

Меҳнат инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти демақдир. У энг аввало табиат предмедларини ўзгартириб эҳтиёжга мослаштиришни билдиради. Меҳнат кишилик жамияти ҳаётнинг асосий шарти, чунки у туфайли инсониятнинг яшаши унинг зарур бўлган моддий маънавий неъмат яратилади. Меҳнат жараёнида кишилар табиатга меҳнат қуроллари асбоб ускуналар ёрдамида таъсир этадилар.

Барча бажариладиган дала ишлари ташкил қилиш ва ўтишда меҳнат интизоми, техника хавфсизлиги ва меҳнатни ташкил қилиш асосий мезондир. Геодезик дала ишларини бошлишдан олдин техника хавфсизлиги ва меҳнатни ҳимоя қилиш бўйича маълумотлар билан танишиш зарур.

Иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуидаги ходимларни тиббий қўрикдан ўтказиши ташкил қилиши шарт:

- ён саккиз ёшга тўлмаганлар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;
- меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;
- озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;
- умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўриқдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғи ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Агар ходим ўз соғлигининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар. Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнгин чиқишдан сакланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юқлатилади.

Иш берувчи ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишлирини таъминлаши ва уларнинг билимларини текшириб туриши шарт. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўкувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга қўйиш тақиқланади.

Ўрнатилган тартибда тайёрланган журналга ҳар бир мутахасис ва ишчи техника хавфсизлиги ва меҳнатни ташкил қилиш билан танишганлиги туғрисида имзо чекилади.

– Иш бажарувчини техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофоза қилиш маъсуляти ҳақида.

- Геодезик дала ишларини бошлашдан олдин бригадир иш жойини кўриши, геодезик асбоб ва ускуналарни яхшилаб кўздан кечириши керак.
- Геодезик асбобларнинг қутисидаги ручкалари ( қўл ушлагичлари) маҳкам ўрнатилган бўлиши керак, рейканинг маҳкамлагич винтлари соз ҳолда бўлиши керак.
- Учи ўткир нишон тайёкларни, штативларни ва бошқа асбоб ускуналарни учларини олдинги томонга қаратиб олиб юришга ижозат берилади.
- Йўллардан ўтишда рейкаларни қўлда буқланган ҳолда олиб юриш керак, елкада олиб ўтиш тақиқланади.
- Йўлга яқин жойларда геодезик асбобларни қаровсиз қолдириш тақиқланади.
- Штативга ўрнатилган геодезик асбобларни ерга маҳкам ўрнатиш зарур.
- Рейка, нишон таёғи ва штативни дарахтга, деворга ва бошқа тафсилотларга суюб қўйиш тақиқланади.
- Йўлда масофа ўлчашда хавфсизликни таъминлаш учун қизил байроқча қўйиш керак.
- Ўлчаш асбобларини, рейка ва нишон тайёкларини қўлдан – қўлга бериш керак, ерга ташлаш тақиқланади.
- Теодолит йўлидаги нуқталар, пикет нуқталари ва бошқа нуқталарда қозиқчаларни ер баравар қилиб беркитиш керак, асфальт йўлларга қозиқчаларни беркитиш тақиқланади.
- Траспорт йўлларида ва шаҳар шароитида талабалар йўл хавфсизлигига риоя қилиши керак.
- Рейка, нишон тайёкларини ва бошқа нарсаларни электр симларига, троллейбус симларига ва шунга ўхшашларга 2 метр кам масофага қўтариш тақиқланади.
- Юк қўтариш механизмлари олдига асбобларни ўрнатиш, қурилаётган бино атрофида юриш тақиқланади.
- Канализация ва сув йўлларида иш олиб боришда уларнинг қудукларида ёқилғи ёки заҳарли газлар бўлишини эътиборга олиш лозим. Ишчи

ходимларни қудукларга тушириш тақиқланади, агарда зарур бўлса, шамоллатиш зарур. Иш тугагандан кейин қудуклар оғзини беркитиш зарур.

- Ёмғир ёғишидан олдин ишни тўхтатиш ва хавфсиз жойга ўтиш зарур.
- Ёз пайтида иссиқ соатларда ишни тўхтатиш зарур, жамоа раҳбарининг кўрсатмасига биноан иш соатларини эрталаб ва кечки вақтларга ўтказилади.
- Геодезик дала ишларини даврида ишчи ходимлардан шахсий гигиена талаб қилинади
- Геодезик дала ишлари даврида мутахасисларнинг “Техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари” билан танишганлиги ҳақида маълумот илова қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг «1999—2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида» 1999 йил 20 октябрдаги 469-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда атроф табиий муҳит ҳолатини, табиий ресурслардан фойдаланишини кузатиш, атроф табиий муҳитни баҳолаш, унинг ифлосланиш даражасини прогноз қилиш ва салбий жараёнлар оқибатларини бартараф этиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати юритилишини ахборот билан таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қиласди.

Унда аник қилиб - ер, ер ости ва усти бойликлари, сув, ўсимлик ва хайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурслар умумхалқ бойлиги ва уни асраб авайлаш, уни келажак авлод учун етказиш давлатимиз томонидан химояга олинган. Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш барча вилоятларда ҳамда туман, шаҳарларда мақсадли дастур асосида амалга оширилади. Жумладан худудларда мавжуд табиий ва иқтисодий ахамиятга эга жойлар махсус ваколатли давлат органлари томонидан муҳофаза этилади.

Инсон хаётида интенсив ўзгаришлар натижасида, урбанизация ва сув ресурсларини оқилона ва тежамкорликга эътиборсиз ишлатиши натижасида

юртимизда экологик ахволнинг бузилишига, яъни ер ва сув ресурслари, фауна ва флоранинг кескин тубдан ўзгариши руй берди.

Табиий ресурсларни қўриқлаш ва улардан тежамкорлик ва окилона фойдаланиш энг долзарб масалардан бири хисобланади, жамиятнинг ривожланишида экологик хавфсизлик жамиятнинг экономик ривожланиши ва ижтимоий химоялашда асосий компонентлардан бири хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёнинг марказида, денгиз ва океанлардан олисда ва суғориладиган ерлари жихатдан йирик давлат хисобланади. Шунинг учун бу заминда пахтачилик, мевачилик, боғдорчилик, узумчилик ва сабзаводчилик ривожланган лекин сув ресурсларининг лимитланганлиги республикада бу соҳаларнинг ривожланишига тўскинлик қиласи.

Мамлакат ахолисининг ўсиши табиий бойликларга ва сув ресурсларига эҳтиёжни оширади. Мутахасисларнинг таъкидлашича ахолининг усишга мойиллигини ва глобал иклим ўзгариши натижасида Ўзбекистон территориясида 2030 йилда сув хавзаларининг 10% -15% парланиш натижасида ва 10 -20 % ўсимликларга сарфланиши натижасида сув ресурсларининг йўқотилиши таъминан 18% ташкил этади. Шунинг учун Марказий Осиёда бу муаммо энг актуал хисобланади. Бу муаммони хал этиш учун дарё ва сув хавзаларидан унумли фойдаланиш зарурдир.

## ХУЛОСА

Битириув малакавий ишини бажариш мобайнида дастлаб, мавзуу материалларини түплаш, таҳлил ўтказиш ва долзарбилигини асослашдан бошладим. Битириув малакавий ишда Карталарни тузиш ишларида ЭХМни кўллашнинг ахамияти.(Кўштепа тумани Солижонобод массиви мисолида) кўриб чиқдим. Солижонобод массиви худудидаги ерларнинг 71.7 % ни қишлоқ хўжалик ер турлари ташкил этгани ҳолда, унинг 67.0 % ни ҳайдалма ерлар ва кўп йиллик мевали дараҳтлар ташкил этади.

Массивга бириклирлган майдондан фойдаланиш коэффициенти фойдаланилаётган ерларнинг умумий майдонига нисбати бўйича аниқланиб, унинг қўрсаткичи 0.84га тенг .

Қишлоқ хўжалик ер турлари таркибида 11.0 га яйловларнинг мавжудлиги массивда ердан фойдаланиш даражасини яхшилаш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Солижонобод массивида мавжуд бўлган ҳайдалма ерларда экиладиган қишлоқ хўжалик экинларинингтаркиби ва майдони бўйича маълумотлар келтирилган.

Солижонобод массивида мавжуд бўлган 1194 га ҳайдалма ерларнинг 100% қишлоқ хўжалик экинлари билан банд. Фойдаланаётган ҳайдалма ерларда экиладиган экинларнинг майдонларини таъсифласак, унда пахта экини 55% ни, буғдой 31%, озиқ-овқат экинлари 7%, ва ем-хашак экинлари 7% ташкил қиласди.

Ҳозирги вақтда ЭХМ дастурида карта ва планларни тузиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада бир қатор компьютер дастурларидан фойдаланишни таққазо этади. Ҳозирги кунда картография соҳасида ЭХМ дастурий таъминотлари ёрдамида карта ва планларни тузиш шакллантирилмоқда.

ЭХМларда карта ва планларни тузишда картография соҳасидаги барча маълумотларини туплаш, саклаш ва кайта ишлаш имконини берадиган куп

тармокли географик маълумотлар базаси шаклланиши зарур. Бу маълумотларни туплаш ва ўзлуксиз равишда янгилаб бориш мамлакатнинг иктисодий ривожига катта хисса кушади. Инсониятнинг мавжудлиги негизида озука, уй-жой ва бошка моддий эҳтиёжларга бўлган талабни кондиришга қаратилган онгли фаолият ётади. Унинг асосий шартлари орасида меҳнат предмети, қишлоқ хўжалигида эса бир вактнинг ўзида меҳнат воситаси ва асосий ишлаб чикириш воситаси хисобланадиган ер биринчи даражали ахамиятга эга, чунки у хар хил иш куроллари билан ишлов бериш ва ўз унумдорлиги ёрдамида усимликларга тахсир этади, маҳсулот етиштиришига имкон яратади .

Хар бир соҳа аввало мамлакат ва жамиятнинг ривожига ўз урнига эга. Шундан келиб чикиб ЭҲМ дастурида карта ва планларни тузишда дастурий таъминотлардан фойдаланиб, ГАТ(ЭҲМ) яратиш мамлакат ривожига катта хисса кушади.

ЭҲМ дастурларида карта ва планларни тузишда ДҚЯТ ни юритиш ва ер кадастрини юритиш хамда бошка мақсадлар учун хам тузиладиган ракамли карталарни асосий ўринни эгаллайди. Карта ва планларни ишлаб чикиш ва ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаракиларни турли микёсдаги ракамли карталар билан таъминлаш тезкор таъминлаш; карта яратиш жараёнининг бошка дастурларга нисбатан тезкорлиги ва маълумотларни солишириш имкониятини мавжудлиги; марказлашган геоахборотлар базаларини яратиш ва масофадан туриб ракамли карталарни таҳирлаш (интернет тармоги) ва GPS ва электрон тахеометрларга карталарни тўғридан тўғри етказиш имконияти; геоахборотлар бўйича интерактив хизматлар курсатиш ва иктисодиёт жихатдан афзаллиги ва вактнинг тежамкорлиги.

ЭҲМларда тузишган карталарни исталган масштабда ва керакли шаклда чоп этиш имкони ва қайта ишлашга имконияти борлиги билан ўзини оқлаб келмоқда. “Солижонобод” массиви ҳудудида мавжуд бўлган ерлардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш учун ердан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи табиий ва иктисодий омиллар мавжудлиги аниқланди ва таҳлил

қилинди ҳамда массив ҳудудида ердан фойдаланишнинг истиқболга режаси ишлаб чиқилди.

Ердан фойдаланишларнинг мавжуд ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлардан бири ер тузиш ҳисобланади. Шу сабабли, “Солижонобод” массиви бўйича икки ечимда куйидагиларни ўз ичига олувчи ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда:

Ер турларининг таркиби ва майдонлари аниқланган улар ҳудудда жойлаштирилган.

Солижонобод массив учун энг самарали ҳисобланган ишлаб чиқариш йўналишини белгиланган холда тупроқ мониторинги ва илмий асослари ишлаб чиқилган.

Лойиҳаланган алмашлаб экиш массивларини жойлаштириш ечимлари ичидан энг кам транспорт харажатлари сарфланадиган жойлашув аниқланган.

Массив ҳудудида ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бу экологик омиллар ҳисобланади. ЭҲМларда тузилган карталар ёрдамида ер майдонларни алмашлаб экиш ва уларни назоратини олиб боришаг жуда қулай ҳисобланади. Агар экин майдонларида режадан ташқари экин экилган бўлса буларни компьютер ёдамида карталарга ўзгаришишлар киритиш имкониятлари мавжудлиги билан ажралиб туради.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги кунда замонавий геодезик асбоблардан фойдаланиб, геодезик ишларни бажариш энг долзарб муаммолардан биридир. Чунки замонавий геодезик асбоблар билан бажарилган геодезик ишларнинг аниқлиги юқори ва иш унумдорлиги самарадорлиги билан ажаралиб туради.

Худудида геодезик, картографик ва кадастр ишларини олиб борища мутахассислар учун қулай қурилмадир. Аввалари теодолит, нивелир ёрдамида қилинадиган пукт кўчириш, отметка кўчириш теодолит йўллари ва нивелир ишларни мониторинг қилиб кўрдим. Албатта бу ишнинг самараси вақт ва ишчи кучи, шунингдек корхонанинг молиявий ҳолатига юқори бўлган, бироқ таъсир кўрсатган.

Битирув малакавий ишини тайёрлаш давомида шуни билдимки замонавий геодезик асбоблар Республикализнинг геодезия, картография ва

кадастр соҳасини янада ривожлантириш, иш сифатини ошириш шунингдек замонавий технология бугунги қуннинг давр талаби эканлиги билдим. Ушбу битириув малакавий ишини тайёрлашда ҳудуди билан танишиб чиқдим.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, геодезия, картография ва кадастрда кўрилмаган ривожланиш поғонасига кўтарилди.

У хақда замонавий дастурий таъминотлар ва технологиялар геодезик асбобларнинг халқ хужалигига тадбиқ этилганлиги ва қўлланилиши гувоҳлик беради.

Юртбошимиз томонидан соҳага оид қабул қилинаётган қарор ва фармойишлар туфайли геодезия ўз ривожланиши мобайнида янгидан-янги маъно кашф этди: замонавий лазерли ва электрон геодезик асбобларга, замонавий технологияларга, геодезик ўлчаш ва суратга олиш усусларига ҳамда ўлчаш ва суратга олиш натижаларини қайта ҳисоблаш усусларига эга бўлди. Шу билан биргалиқда кўпгина бошқа муҳандислик фанлари геодезиянинг ёрдами ва ютуқларига таяниб келмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрель ПҚ-2909 қарори .
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 31 майда “Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида ПҚ- 3024 қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги 03/1-1242-сон топшириғи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов томонидан 2017 йил 2 июнда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича
4. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” . 30 апрел 1998 йил
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни 28 август 1998 йил
6. Ўзбекистон Республикасининг “Геодезия ва картография тўғрисида”ги Қонуни. 25 апрел 1997 йил
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисидаги” 543 –сон қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 27 майда рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган хуқукларини давлат рўйхатидан ўtkазиш тартиби тўғрисида”ги йўрикнома. (рўйхат рақами 736)
9. Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан 2000 йил июнда ишлаб чиқилган “Аҳоли пунктларидағи ер участкалари кадастр съёмкаси тўғрисида йўрикнома”.

10. Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан 2009 йил июнда ишлаб чиқилган “Ер участкаларини ташкил этиш, топографик-геодезик, кадастр съёмкалари ишларининг қийматлари тўғрисида йўриқнома”.
11. В.П. Раклов, Э.Ю. Сафаров, Х.А. Абдураҳимов Географик ахборот тизимлари “Тошкент” 2007й.
12. Берлянт А.М. Геоиконика-М.: МГУ, АЕН РФ, «Астрея», 1996 г.
13. Ехлаков Ю.П., Жуковский О.И., Сиданов Н.П. Городской кадастр и ГИС-технология //МГИС М., 1996 г.
14. Зайнобиддинов С.А. Географик ахборот тизимлари// «Ахборот бюллетени» , №3(1), Геоинформкадастр, Т.2002 г.

<http://www.ferghana.uz>

<http://sgp.uz/gef-thematics/degradation>

<http://google.uz>

<http://kadastr.uz>

<http://googlemap.uz>

<http://Lex.uz>

<http://Leica.com>